

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 77 — 78

(2614 — 2615)

1993 йил

1 ОКТЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРҲДА

5 октябрда Ўзбекистон ИИВ Жиноят-қидирув хизматининг ташкил этилганлигига 75 йил тўлади.

Ушбу хизмат фаолиятига доир материаллар билан газетамизнинг
2 ва 3-саҳифаларида танишасиз.

Шу кунларда республика ички ишлари идоралари ҳаётида шонли сана нишонланмоқда. Энг муҳим хизматлардан бири — Жиноят-қидирув хизмати ўзининг 75 йиллигини кутиб олмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят-қидирув бош бошқармаси (ЖҚББ) бошлиғи, милиция полковниги **Ғ.Тошматов** билан суҳбатлашди.

— **Ғофур Тошматович**, суҳбатни республика жиноят қидирув хизмати эндигина тугилган, унинг анъаналари шакллана бошлаган, оёққа туриш даврининг унутилмас кунларидан бошласак, эҳтимол, тўғри бўлар.

— Юбилейлар ортга назар ташлаш, ўтилган йўлни эслаш, унга адолатли, холис баҳо бериш имкониятини беради. Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлари кенгаши 1918 йилда эълон қилган “Заҳирадаги кадрлар таълими ва милицияни қайта тузиш ҳақида”ги буйруқ ички ишлар идоралари, бинобарин унинг асосий бўлини маси — жиноят-қидирувнинг тамал тошини қўйди. Хизматимиз тарихи аини шу палладан бошланади.

Шу йиллар мобайнида унинг саҳифаларига кўплаб шонли исмлар ёзилди. Ярим оч кишилардан жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш бўйича ихтисослаштирилган бўлини-маларни шакллантиришдек масъулиятли вазифани бажарган дастлабки раҳбарларга, айниқса қийин бўлди.

Маҳаллий тилларни яхши билган биринчи ички ишлар халқ комиссаримиз **А.Н.Малков**, Тошкентда биринчи жиноят-қидирув бўлимини бошқарган **А.С.Прагодинский**ни эсласдан бўлмайди. Биринчи ходимлар орасида Қўқонда халқ милицияси

бошлиғи бўлган, кейинчалик таниқли кинорежиссёр бўлиб етишган **Комил Ерматов**, **Жўрабек Остонов** ва кўплаб бошқа кишилар бор.

Ана шу ўз ишига садоқатли кишиларнинг куч-ҳаракатлари туфайли милиция идоралари, тезкор хизматлар пировардида республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг муҳофаза-чисиға айланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида милициянинг кўп ходимлари, шу-жумладан, жиноят-қидирув ходимлари ҳам Ватан ҳимоясига отландилар. Шу вақтда милиция зиммасига ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш ва жиноятчиликка қарши курашга доир одатдаги вазифалар билан бир қаторда жосуслар, қўпоровчилар ва душманга ёрдам берувчи бошқа кишиларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятини фож қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Гарчи уруш республикамизни четлаб ўтган бўлсада, кишиларнинг қалбларида у чуқур из қолдирди.

Очиқ айтиш керак, жиноят-қидирув хизматининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни мураккаб бўлди. Лекин аввалига тайёргарлик кўрмаган, бўлажак хизмат мураккабликлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаган, фақат ўз гайрати ва адолатга ишонч туйғуси ҳисобиғагина ишлаган ки-шилардан шаклланган республика жиноят-қидирув хизмати бутунги

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати, раҳбарияти ва барча шахсий таркиби номидан Республика Ички ишлар идоралари Жиноят-қидирув хизмати ходимларини ва фахрийларини касб байрамларининг 75 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Ҳозирги мураккаб шароитда Жиноят-қидирув хизмати ходимлари ички ишлар идораларининг асосий бўлиниларидан бири сифатида жиноятчиликка қарши кураш, уюшган жиноий гуруҳларни фож этиш, жиноятларни олдини олишдек муҳим вазифаларни шараф билан бажармоқдалар. Жонажон Республикамиз ҳудудида барқарорликни, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш борасида хизмат бурчига садоқат ва фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Касб байрамингиз нишонланаётган ушбу айемда Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий тотувлик, хайрли ва машаққатли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини,
ички хизмат генерал-лейтенантин.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИДА



кунда ходимлари ҳар томонлама махсус тайёргарликдан ўтган, мавжуд барча куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда исталган вақтда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр турган қудратли, замонавий техника билан жиҳозланган хизматга айланиши, шак-шубҳасиз, ютуғимиздир.

— Республикаимизнинг мустақилликка эришгани, табиийки, умуман ИИВнинг ҳам, унинг жиноят-қидирув сингари ўзига хос хизматининг ҳам фаолиятига таъсир этмай қолмагандир?

— Ҳа, албатта. Республика ИИВ Жиноят-қидирув хизмати

янги сифат касб этди — у Жиноят-қидирув Бош бошқармасига (ЖҚББ) айлантирилди. Лекин хизматнинг фақат номигина ўзгариб қолгани йўқ. Энди аини ЖҚББ республика ҳудудида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш билан шугулланувчи олий идорадир, бу эса ишни йўлга қўйишнинг йўл ва усулларини танлашда нафақат тўла мустақил бўлишни, балки унинг натижалари учун тўла даражада масъулиятли бўлишни ҳам тақозо этади. ЖҚББ таркибида учта бошқарма бўлиб, улар тегишли равишда уюшган жиноятчилик, порахўрлик ва наркотикига қарши кураш,

шахсга қарши қаратилган жиноятларни очиш, жиноятчилар ва бедарак кетган кишиларни қидириш, шунингдек мол-мулкка доир жиноятларни очиш ишларини ташкил этиш билан шугулланади.

Бугунги кунда ЖҚББ олдида турган асосий вазифалар орасида, биринчи навбатда, жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чораларни амалга ошириш, шунингдек, жиноятчиликка, унинг уюшган шакллари, порахўрлик, наркотикига қарши курашда республика Жиноят-қидирув хизмати барча бўлиниларининг ишини мувофиқлаштириш, жиноятчилар ва бедарак кетган кишиларни қидиришни кўрамиз.

Республика жиноят-қидирув идоралари томонидан жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг барча йўналишларини бошқариб турувчи норматив ҳужжатлар талабларининг ўз вақтида ва аниқ-пухта бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Республика ИИВ, Миллий хавфсизлик хизматининг бошқа бўлини ва хизматлари, жиноятчиликка қарши кураш масалаларининг бутун мажмуи бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ЕНАЁТГАН БИНОДА 25 БОЛА...

Шу йилнинг 16 сентябрь кунини кеч соат 20 ларда Андижон шаҳрида жойлашган Андижон салқин ичим-ликлар тайёрлаш заводи қошидаги 1-фирма савдо дўконинда ёнғин содир бўлди.

Ёнғин девор ва томлари туташ бўлган 12-болалар боғчасига ҳам ўтиб кетди. Боғчада эса тунги қаровда қолган 25 болакай ўхлаб етишарди. Шу ўринда боғча ходимларининг фидокорликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Боғча мудираси **Лидя Ильичкина**, тарбиячи **Олияхон**, энагалар **Солияхон Мўминова**, **Шаҳзодахон Маҳмадиева** ҳамда шу боғча қоровули **Арсен Мироновичлар** уйқудаги болаларни зудлик билан хавфсиз жойга олиб чиқдилар ва ўтти ўчиришда катта ёрдам кўрсатдилар.

Айни кунларда болаларнинг ҳаммаси жонажон боғчаларида фидойи опажонларни қарамоғида ўйнаб-ку-либ юришибди.

ҲАР ТОЛАСИ БЕБАҲО

25 сентябрь кунини Бўхоро вилояти, Ёғдўвон шаҳридаги “Правда” кўчасида “Ўзбекистон” жамоа хўжалиғи, 5-бригадасига қарашли трактор аравасида ўчирилмай қолган сигарета қолдигидан ёнғин чиқиб, ўн беш килограмм пахта ёнган.

Яна шу кунини вилоятнинг Когон шаҳрида “Ўзбекистон” жамоа хўжалиғи, 8-бригадасига тегишли трактор аравасига олдинда кетаётган машинадан учқун тушган ва

ўн икки килограмм пахта яроқсиз ҳолга келган.

26 сентябрь кунини яна Когон шаҳрининг пахта тозалаш корхонасидаги пахта ғарами тайёрлаш майдончасида ёнғин чиқиб, йигирма килограмм пахта кулга айланган. Ёнғин электр симларнинг қисқа туташуви оқибатида содир бўлган.

ФАҚАТ МОДДИЙ ЗАРАР ЭМАС...

25 сентябрь кунини эрталаб соат бешларда Наманган вилояти, Уйчи туманидаги Ҳожиевобод кўчаси, 75-уйда ёнғин чиқди. У қўшниларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўчирилди. Лекин уй ичидан 52 ёшли, II гуруҳ ногирони **В. Макалов** ва яна бир кишининг жасади топилиди...

МОЛХОНА “КЕТДИ”...

26 сентябрь кунини Сурхондарё вилояти, Сариев туманидаги ЭМСО шаҳарчасида истиқомат қилувчи **Х. Мирзаев** ҳовлиси ҳам ўт ичида қолди. Натижада хонадонга тегишли молхона вайронага айланди. Зарар 70 минг сўм.

ЎЙИНҚАРОҚЛИК САБАБ

26 сентябрь кунини Андижон вилояти, Избоскан туманининг **Н. Жўраев** номли жамоа хўжалиғида яшовчи етти ёшли **Дилноза** ва уч ёшли **Арслонбек Ҳайдаровлар** гугурт билан ўйнаш, похол уюминини ёқиб юборганлар. Болаларнинг иккалови ҳам 20-40 фозли тўн жароҳати билан касалхонага тушдилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ЕСБ матбуот маркази.

ФРАНЦИЯЛИК ҲАМКАСБЛАР ТАШРИФИ

Самарқанд шаҳри ва вилоятида Франция Республикаси жандармериясининг вакиллари **Жан-Мари Рэторо** ва **Марк Ловеклар** меҳмон бўлишди. Улар жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг гиёҳвандлик моддалари олинувчи ўсимликларни йўқ қилиш ва гиёҳвандликка қарши кураш борасидаги ишлари билан яқиндан танишдилар. Сафарда уларга вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамроҳ бўлишди.

Сафар якунида франциялик меҳмонлар ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

— Наша ва кўкнор каби гиёҳвандлик экинлари, асосан, Марказий Осиё, Таиланд, Покистон, Афристон ва Жанубий Америкада етиштирилади, — деб таъкидлади **Жан-Мари Рэторо**. — Масалан, ҳозир Покистонда салкам 10 миллион киши гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилади. Осиёда бундай моддаларни чекиш кенг тарқалган, Европада эса улар организмга вена томирлари орқали киритилади.

Францияда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи ва сотувчи кишилар икки ҳафтадан тортиб 10 йил муддатга қамалиши мумкин. Уларга қарши курашни

жандармерия, полиция ва божхона олиб боради.

Францияда гиёҳвандлик моддалари сотувчиларини ушлаганда, албатта гувоҳларнинг бўлиши талаб қилинмайди. Гиёҳвандлик моддалари полиция томонидан кўп миқдорда мусодара қилинувчи ҳоллар ҳам учрайди. Афсуски, гиёҳвандлик экинларини ноқонуний етиштиришга қарши курашда ҳозирча замонавий техникадан кенг фойдаланишнинг иложи йўқ, чунки бундай ўсимликлар асосан бориш қийин бўлган торлик минтақаларда етиштирилмоқда. Бунда заҳарли химикатлардан фойдаланиш ҳам мумкин эмас, зеро бундай қилинса, атроф муҳитга катта зарар етказилади.

Биз меҳмондўст ҳамкасбларимиздан миннатдоримиз. Бундан кейин ҳам ана шундай учрашувларни ўтказиб туриш, фикримча, иккала томон учун фойдали бўлади, гиёҳвандлик ва наркотикига қарши янада муваффақиятли кураш олиб боришда ёрдам беради.

С. ЖАББОРОВ,
С. ЗОХИДОВ,
Самарқанд вилояти ҳокимлиғи
ИИВ ходимлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу билан бир қаторда ўз ихтиёридаги бўлинмаларга ишни ташкил этишда, тезкор қидирув фаолиятига фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этишда, шахсий таркибга жиноятларни очишнинг илғор усулларини ўргатишда, мураббийлик ва ёш ходимларни тарбиялашда ёрдам беряпмиз. ЖҚББ ходимлари жуда хавфли, жамоатчилик ўртасида катта акс садо уйғотган жиноятларни аниқлаш ва очишда, анчадан буён ҳаракат қилувчи жиноятчи гуруҳларни фош этишда бевосита иштирок этадилар.

Республика тезкор вазиятнинг ахволи ҳақидаги статистика маълумотлари қилинган ишлар натижалари ҳақида яққол гувоҳлик беради.

Кейинги йиллар ичида жиноятчиликнинг ўсиши пасайишига илк бор эришдик. Шу йилнинг саккиз ойи ичида жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар миқдори 44411 тадан 44270 га, шу жумладан оғир жиноятлар 23510 тадан 21964 та га камайдди. Очилмаган жиноятлар қолдиги 17,8 фоизга камайдди.

— Уюшган жиноятчиликнинг борлиги ҳозир ҳеч кимни таажубга солиб қўймайди, кўп сонли фактлар ана шунинг мавжудлиги ҳақида гувоҳлик бермоқда. Жиноятчиликнинг уюшган шакллари деганда нимани тушунайсиз ва жиноят-қидирув бўлинмалари уларга қарши қандай курашмоқда?

— Тезкор вазиятнинг тахлили таъмағирлик, шахсга қарши қаратилган оғир жиноятлар, халқ хўжалиги объектлари ва банк тизимида порахўрлик билан боғлиқ роятда йирик миқдордаги ўғирликлар каби жиноят турлари кенг тарқалганидан гувоҳлик беради. Фоҳишабозлик ва гиёҳвандлик каби салбий ижтимоий ҳодисалар борган сари жонланмоқда. Наркобизнес, қурол сотиш билан шугулланганидан жиноятчи гуруҳларнинг ижтимоий хавфи анча ўсди.

“Уюшган жиноий фаолият” тушунчаси ҳуқуқшунослик адабиётида кўп маъноли қилиб шарҳланади, бироқ ҳозиргача қонуничиликда бу ижтимоий ҳодисага бирорта таъриф мавжуд эмас. Уюшган жиноятчилик — жиноят қилишга мойил муҳитнинг поғонадор тузилишида жипслашганлиги ва ташкилий, бошқарув ва мафкуравий функцияларни амалга оширувчи етакчиларнинг ажралиб туриши; жиноий уюшманинг муайян хавфсизлиги ва бунинг кафолатларини таъминлаш учун жиноий фаолиятга жалб этилган мансабдор шахсларнинг порахўрлиги; ҳуқуққа қарши фаолият соҳаларини эгаллаб олиш ва кенгайтириш билан характерланувчи салбий иж-

тимоий ҳодисадир, деган таъриф республикамиз шарт-шароитига энг кўп даражада жавоб беради.

Жиноятчи гуруҳлар ўз фаолият соҳаларини аниқ белгилаб олганлар, бу чегараларни бузиш дарҳол “адабини бериб қўйиш” ва айбдорларни жазолаш билан якунланади. Андижон вилоятида икки жиноятчи гуруҳ ўртасида, Тошкент ва Самарқанд жиноятчилар дунёсининг обрўмандлари ўртасида Тошкент-Самарқанд автотрассасида жиноий таъсир соҳаларини тақсимлаш учун қуролли низолар бўлиб ўтгани энг сўнгги фактлардир.

Жиноятчилар уюшмаларининг етакчилари анъанавий жиноий фаолият соҳаларидан кейинги

жойларини техника билан жиҳозлаш ҳолати текшириб чиқилди, уларда пул ва моддий воситаларни сақлаш учун керакли шарт-шароит яратиш бўйича тадбир-чоралар кўрилди.

Кўрилган чоралар натижасида 1993 йилнинг 8 ойи ичида республика ҳудудида уюшганлик белгиларига эга бўлган 908 жиноий гуруҳга барҳам берилди. Уларга кирувчи 3647 киши жиноий жавобгарликка тортилди ёки тортилмоқда, улар томонидан 2688 жиноят, шу жумладан 14 бандитизм, 68 қотилик, 205 хуруж, 148 талон-тарож, 148 таъмағирлик, 157 машина ўғирлаш ва 59 йирик миқдорда ўғирлик фактлари содир қилинган.

мусодара қилинди.

Тошкент вилоятида тезкор тадбирлар давомида “Салоҳ” лақабли жиноятчилар обрўманди Собир К. бошчилик қилган 15 кишилик жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. “Салоҳ”нинг рақобатчи жиноий гуруҳ етакчисини ўлдиришда қўли борлиги аниқланди. Тинтув чоғида жиноятчилардан бешотар милтиқ, тўппонча, ўқ-дорилар, ГАЗ-31, ВАЗ-2109 ва “Ниссан” автомашиналари мусодара қилинди.

Жиноятчилар гуруҳларини фош этиш иши давом этмоқда.

— Жиноятчилик ҳам шароитнинг ўзгаришига қараб ўз шакл ва усулларини ўзгартириб бормоқда, шу жумладан техникадан

навбатда ЖҚББ аппарати таааллуқли. Айни шу ерга республика жиноят-қидирув хизматининг энг яхши кучлари жалб этилди ва бу нарса ишда юксак натижаларга эришиш имконини берди.

Афсуски, ҳали ҳам жиноят-қидирув баъзи ходимларининг ўз хизмат бурчларига виждонан ёндашмаслиги фактлари учраб туради. Ҳар бир ана шундай ҳол ҳар томонлама таҳлил қилинади ва айбдорларни жиноий жавобгарликка тортишга қадар роятда қаттиқ чоралар кўрилади.

Хизмат бурчини намунали бажарётганлардан Тошкентда — милиция подполковниги Е.Пак, милиция майори Т.Жаманов, Сирдарё вилоятида — милиция майори Х.Мирзабеков, Тошкент вилоятида — милиция подполковниги У.Умиров, милиция майори А.Пирназаров, транспортдаги ИИБда — милиция подполковниги Е.Пиденко, Фарғона вилоятида — милиция подполковниги К.Раҳимбеков, милиция майори Б.Қурбонов, Андижон вилоятида — милиция майори Ф.Эргашев, Наманган вилоятида — милиция майори М.Ҳакимов, Бухоро вилоятида — милиция подполковниги Б.Азизов, милиция майори Ж.Сафаров, Қашқадарё вилоятида — милиция майори Ф.Худойбердиев, Сурхондарё вилоятида — милиция майори Д.Ашуров, Хоразм вилоятида — милиция майорлари А.Машарипов ва А.Жуманиёзов, Навоий вилоятида — милиция майори Н.Раззоков, милиция катта лейтенанти Р.Рўзиев, Қорақалпоғистонда — милиция капитани Д.Дуйсенбоев ва бошқа кўплаб ходимларимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар кўп йиллардан бери жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасида ўз бурчларига сидикдидан муносабатда бўлаётган, сабр-тоқат ва мардликни намоян қиляётган ходимларнинг кичик бир қисми, холос.

Жиноят-қидирув бўлинмаларининг ходимлари кўпинча хавф-хатарга юзма-юз тўқнаш келадилар, хизмат баъзан бир неча кунлаб давом этади. Лекин пухта тайёрланганлик, қонунларни билиш, касбий кўникмаларни мунтазам такомиллаштириб бориш натижасида улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноятчиларнинг хуружларидан ҳимоя қилишга доимо тайёрдилар.

Имкониятдан фойдаланиб, вазирилик раҳбарияти, Ҳайъат номидан республика Жиноят-қидирув хизматининг барча ходимларини юбилей билан табриклаб, уларга ва уларнинг оила аъзоларига сихат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИДА

вақтда халқ хўжалиги объектлари, умумий овқатланиш, савдодаги ўғирликларни назорат қилишга ўтмоқдалар, ташқи иқтисодий фаолият тузилмаларига суқилиб кирмоқдалар. Чунончи, “Раҳмдиллик” акциядорлик хайрия жамиятининг собиқ раиси бошчилик қилган беш кишидан иборат жиноятчилар гуруҳи давлатга 120 миллион сўмлик зарар келтирган.

Жиноятчилардан 22 миллион сўмлик пул ва қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди. Жиноятчиликда нохуш тенденциялар тўпланиб қолганини ҳисобга олиб, биз, ўз навбатида, уларнинг ривожланишига йўл қўймаслик чораларини кўрмоқдамиз.

Биринчи навбатда жиноят-қидирув идораларининг фаолиятини фаол равишда қайта кўрмоқдамиз.

Ихтисослаштиришни кучайтириш мақсадида марказда ва жойларда фақат уюшган жиноятчиликка, наркобизнесга ва ҳоказоларга қарши кураш билан шугулланганидан бўлинмалар тузилди. Мол-мулкка доир ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очишни яхшилаш бўйича тадбирларнинг бутун бир мажмуи амалга оширилмоқда. Бунинг учун жиноятчи унсурлар тўпланган ва ўғирланган мол-мулкни сотиш авж олган жойларда мақсадли тезкор қидирув ва жиноятнинг олдини олиш тадбирлари ўтказилмоқда. Давлат объектларидан ўғирлаш фактларининг олдини олиш учун республика миқёсида давлат ва жамоат мол-мулкни сақлаш

Жиноий жавобгарликка 93 жиноятчилар “обрўманди”, 137 етакчиси тортилди. Жиноятчи гуруҳлар аъзоларидан 180 та ўқотар қурол, салкам 600 килограмм гиёҳвандлик моддаси, 176 автомашина, 128 миллион сўм ва салкам 15 минг хорижий пул мусодара қилинди.

Кўп сонли фактлар жиноий хатти-ҳаракатларга қарши-қескин курашилаётганидан далolat беради. Жиззах вилоятида тезкор қидирув ишларини ўтказиш пайтида жиноятчилар обрўманди Ортиқ А. қўлга олинган. У жиноятчиларнинг “қози”си вазирасини бажарганлиги, шунингдек гиёҳвандлик моддаларини етказиб бериш ва сотишга раҳбарлик қилиб келганлиги аниқланди. Гиёҳвандлик моддаларини етказиб берувчилар ҳам ушланди, улардан катта миқдорда қорадор, шунингдек қирқма милтиқ, хорижда ишлаб чиқарилган тўппонча ва унинг патронлари мусодара қилинди.

Қорақалпоғистонда жиноятчиларнинг ўн кишидан иборат етакчилари гуруҳи фош этилди, улардан 40 килограммдан кўпроқ турли гиёҳванд моддалар, етти та ов милтиги, кичик калибрли милтиқ, ўқ-дори, кўп миқдорда спирт мусодара қилинди.

Самарқандда ўқотар қуролни ишлатган ҳолда фуқароларга қароқчиларча босқин қилиш билан шугулланганидан жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Жиноятчилардан ўқ-дорилари билан бирга автомат, тўппонча, гиёҳвандлик моддалари, икки миллион сўмлик пул ва қимматбаҳо буюмлар

кенг фойдаланилмоқда. Жиноят-қидирув бўлинмаларининг техника билан жиҳозланиши қандай?

— Шунинг таъкидлаш керакки, умуман республика бўйича саккиз ойнинг якунларига қарайдиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврига қараганда техника воситаларидан фойдаланган ҳолда очилган жиноятлар миқдори анча кўпайди. Бунда замонавий овоз ёзиб олувчи ва видеоаппаратлар, кичик ўлчамли радиостанциялар, электрон ҳисоблаш машиналари, транспорт воситаларини назорат тутаяпман. Албатта, бу борадаги муаммоларимиз ҳали оз эмас, лекин улар ҳал этилмоқда. Республика ИИБда жойлашган маълумотларнинг марказий мажмуи бевосита уланган, ягона тизим бўйича ишлайдиган ва мустақкам ҳимоя тизими билан жиҳозланган, ўзаро боғланган компьютерларнинг яхлит ахборот-қидирув тизимининг тўла қувват билан ишлай бошлаши жиноятчиликка, унинг уюшган шаклларида қарши курашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради. Бу борада қизгин иш олиб бораёпмиз.

— Жиноят-қидирув хизмати — аввало, албатта, ўз ҳаётини роятда қийин ва хавфли касб билан боғлаган кишилар демакдир. Табиийки, муносиб ходимларнинг ҳаммасини тилга олиш қийин, лекин шонли сана олдики кимларни таъкидлаб ўтишни хоҳлардингиз?

— Ҳақиқатан, кадрларни танлаш, касбий тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш масаласига кейинги вақтда алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу биринчи

БУ — ДУНЁВИЙ МУАММО ВА У ЎЗARO ҲАМКОРЛИКДА ЕЧИЛАДИ

Бу йил БМТга аъзо бўлган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг дунёда гиёҳвандликнинг ўсишдан ва гиёҳвандлик моддаларини файриқонуний равишда олиб-сотаётган жиноятчи гуруҳларнинг сиёсий тартиботлар ҳамда иқтисодий тизимлар учун катта хавф туғдиришидан ташвишланиётганига қўйилади.

Бу муаммолар бизда бошқа кўпгина мамлакатлардагидек хавф солувчи кўламли касб этмаган бўлсада, Ўзбекистон ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари гиёҳвандлик моддаларини файриқонуний олиб-сотишга қарши таъсирчан чоралар кўриш, бу йўналишда халқаро миқёсида куч-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлигини тушунадилар.

Ўзбекистонда гиёҳвандлик моддалари нафақат истеъмол қилинади, балки етиштирилади ҳам. Ҳар йили бундай фаолияти учун ўртача 1,5 минг киши жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Гиёҳвандлик моддалари олинган ўсимликлар амалда мамлакатнинг бутун ҳудудида шахсий истеъмол учун экилади, шунингдек сотиш мақсади кўзланади. Бир неча йил олдин наша ва кўкнорнинг катта қисми (70 фоизи) томорқаларга экилган эди, ҳозир эса уни кўпроқ

бориш қийин бўлган тоғлик ва адир ерларга экишмоқда.

Бу нарса аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва маҳаллий ҳокимиятнинг файриқонуний экинзорларни аниқлаш ва йўқ қилиш фаолияти билан боғлиқ. Кўп йиллик куч-ҳаракатлар натижасида шаҳарлар ва қишлоқларда наша ҳамда кўкнор етиштиришни жуда ҳам камайтиришга муваффақ бўлинди. Айни вақтда уни бориш қийин бўлган минтақаларда экиш кучайганлиги янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бундай экинзорларни қидириб топиш биринчи даражада муаммага айланиб қолди. 1987 йилдан бошлаб вертолётлар ёрдамида ҳаводан кузатишни амалга ошириш бундай фаолиятнинг самарадорлигини оширди.

Ўзбекистонда ҳар йили ёз-куз фаслларида Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат тузилмалари

билан ҳамкорликда йирик миқёсда тадбирларни амалга оширади. Буларни ўтказишдан асосий мақсад — гиёҳвандлик моддалари олинган файриқонуний экинзорларни, шунингдек ёввойи ҳолда ўсадиган наша ва кўкнорларни аниқлаш ва йўқ қилишдир.

Мавжуд қийинчиликларга қарамай, бундай тадбирларнинг натижадорлиги ошиб бормоқда. 1989 йили 18,3 гектарда салкам 1,5 минг туп, 1991 йилда 154 гектарда 3 минг туп ўсимлик борлиги аниқланди ва йўқ қилинди. Шу йилнинг ўзидаёқ 200 гектардан кўпроқ майдонда файриқонуний экилган ўсимликлар йўқ қилинди, уларнинг деярли 99 фоизи кўкнордан иборат эди.

Айни вақтда наша ва кўкнор ўсимликлари деярли фақат қўл кучи билан йўқ қилинади. Ўтган йили тажриба тартибда ана шу мақсадда биринчи марта кимёвий воситалардан фойдаланилди. Уларнинг

самарадорлиги анча юқори бўлсада, кимёвий воситаларнинг агроф табиий муҳитга салбий таъсирини йўқотиш масалалари ҳал қилинмаган.

Ўзбекистонда 1980-1983 йилларда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилган 3,6 минг киши аниқланган бўлса (бу тонфага гиёҳвандлик моддаларини врачнинг кўрсатмасисиз истеъмол қилувчилар қиради), 1989-1991 йилларда улар 10 мингтага етди, шулардан 700 нафар 18 ёшга етмаган ёшлар эди. Шу йил бошларда милиция ҳисобида ана шундай 11 минг киши турар, уларнинг 4 минги гиёҳвандлик касалига учраганлар эди. 1991 йилда салкам 750, бу йил эса 900 килограмм гиёҳвандлик моддаси мусодара қилинди.

Ўзбекистонга қўшни давлатлардан гиёҳвандлик моддаларини келтириш қўлайлиги бораётганлиги ва республикамиз ҳудудидан уларни Европага олиб бориш учун

фойдаланилаётганлиги ана бир долларб муаммодир. Ўзбекистоннинг қўлай географик ўрни, гиёҳвандлик моддаларининг асосий етиштирувчилари бўлган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига яқинлиги, транспорт инфраструктурасининг анча ривожланганлиги уларни яхши равишда олиб бориш учун қўлайлик туғдиради. Шу сабабли наркобизнесга қарши кураш соҳасида халқаро алоқаларимизни кенгайтириш ўзини оклайди ва бу нарса зарур.

“Қорадор” тадбирини ўтказиш пайтида муҳим натижаларга эришилди. Шу йилнинг ўтган даври ичида 2.188.072 квадрат метр майдонда 3658 туп кўкнор йўқ қилинди, 1568 жиноий иш қўзғатилди. Файриқонуний равишда кўкнор эккан 1605 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Ўз ҳолича ўсиб етган нашаларни йўқ қилиш учун чоралар кўрмани учун 324 раҳбар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Гиёҳвандлик моддаларини сотувчи 153, етказиб беришчи 106 киши аниқланди. Жиноятчилардан 923 килограмм гиёҳвандлик моддаси мусодара қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Муваффақият учун

Олег Ревазович Бичинов бу ерга бундан етти йил олдин, Қараганда олий милиция мактабини битириб келган эди, ўтган давр ичида у тезкор вакилликдан Тошкент шаҳар ИИББнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг бошлиқ ўринбосарига бўлган йўлни босиб ўтди. Уни хизмат хонасида учратиш ҳам қийин. Уни учратиш суҳбатлашиш учун бир неча кун овоза бўлди. Ниҳоят, Олег билан суҳбатлашишга эришдик.

— Кескин воқеалари бўлган бирор нарсани айтиб берсангиз, — дедим суҳбатимиз аввалидаёқ. Бичинов бир оз ўйлаб турди, сўнг стулга суянди:

— Кескин воқеа билан бўлса денг. Майли, икки йил олдин бўлган бир воқеани айтиб берай...

Таниқли қўшиқчи Александр Розенбаумнинг Тошкентда тижорат билан шугулланувчи амакиваччасини таъмагирлар жисмоний ўч олиш билан кўрқитиб, ундан ўша вақтда жуда катта ҳисобланган пул — 150 минг сўм беришни талаб қилганлар. У пул беришдан бош тортган, жиноятчилар бошланишига Розенбаумнинг қариндоши яшайдиган уйнинг дарвозаси ва ёғоч деворига ўт қўйганлар. Тижоратчи бизга мурожаат қилди.

— Бу ишнинг ўзи унчалик мураккаб эмас эди, — деб давом этди Бичинов, — лекин кейинчалик воқеаларнинг ривожланиши олдиндан айтиш мушкул бўлган тус олди.

...Бичинов ўз ходимлари билан бирга тижоратчининг иштирокида режа тузиб чиқди. Тижоратчи таъмагирларга рақамлари ёзиб олинган пулларни бериши керак эди.

Учрашув келишиб олинган Марказий универмагнинг асосий кириш жойига тезкор ходимлар видеокамералар ўрнатилган иккита автомашинада келдилар. Ўзоқ кутишга тўғри келмади. Кўп ўтмай ичида учта киши ўтирган янгигина "Москвич" келиб тўхтади. Двигатели ўчирилмаган машинадан бир киши тушди, тижоратчидан пул солинган пакетни олди ва уни ҳайдовчига узатди. Ҳайдовчи, кейин маълум бўлишича, мохир автопойгачи, собиқ Иттифок пойғаларида бир неча бор совридор бўлган спортчи экан. Автомашинида ўтирганлардан бири кўчани кузатарди. Операцияда қатнашаётган тезкор ходим Мурод Султонов пакетни олган жиноятчининг қўлига абжирлик билан "балагузук"ни тақиб қўйди. Ана шунда воқеа кутилмаган тус олди.

Жиноят-қидирувнинг икки ходими "Москвич"нинг иккала томонидаги эшикларини очди. Милиция машинаси рулини ушлаб ўтирган Бичинов йўлни олдиндан тўсди. Автопойгачи "Москвич"ни кескинлик билан орқага юргизди, тезкор ходимлар эшикларга осилиб қолишди. Жиноятчиларнинг машинаси жуда кескин тарзда айланди ва тезликни оширди. Тезкор ходимлардан бири машинанинг орқа томонига осилиб олди, тўппончанинг дастаси билан орқа

ойнани синдирди, огоҳлантирувчи ўқ узди. Лекин бу жиноятчиларни тўхтата олмади.

Рулни абжирлик билан бошқараётган автопойгачи бир неча марта пойгада қатнашган машинасида шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўқдек уча бошлади. Бичинов суратга олиш билан шугулланувчи катта тезкор вакил Игорь Бекметов билан бирга

уюшмоқ зарур

машинада автопойгачининг ортидан кува бошлади. Жиноятчилар, табиийки, ДАН ходимларининг ишораларига эътибор ҳам беришмасди. Сиренани ўчирмай ва чиқоқларни ёқиб қўйган Бичинов улар ортидан ўқдек учарди.

Уста спортчи бўлган жиноятчи рўпарадан келаётган ва ўзи ўзиб бораётган машиналар орасидан абжирлик билан ўтиб бораркан, Бичиновни ора йўлда қолдириб кетишга уринарди. Игорь бир неча марта тепалатиб огоҳлантирувчи ўқ узди. Автопойгачи бунга аҳамият бермади. Бош почтамп енида "Москвич" бир лаҳза секинлашди, ундан жиноятчилардан бири тушди, у пул солинган пакетни ерга ташлаб, ўзи қоча бошлади. Автопойгачи машинани яна тезлатди. Игорь пулни ердан олгунча жиноятчи уч юз метр нарига бориб қолган эди. Яна ҳолдан тойдирувчи қувиш бошланди.

— Бунақада уни тутма олмаймиз, — Олег чанг-тўзон ичида қолган Игорга қичқирди, — у вазиятни оғирлаштириб кўп қўлфат келтиради, қуролдан мўлжалга тегишиб отиш керак.

"Ўзбекистон" меҳмонхонаси яқинида тезкор ходимлар "Москвич"ни йўлнинг бир чеккасида чиқариб қўйишга муваффақ бўлдилар. Лекин шу аҳволда ҳам жиноятчи таслим бўлишни ўйламади. Сиренанинг чинқириви, чаккага тиралган тўппонча ўз ишини қилди — жиноятчи қўлга олинди.

Ҳозирги жиноят-қидирув ходимининг иш фаолиятида юз бериб турадиган гайриоддий воқеалар билан қизиқишда давом этаман. Бунга жавобан энди артистлик билан боғлиқ воқеани эшитдим.

...Тошкентда жуда олғир товламачилар тўдаси пайдо бўлиб қолди. Тезкор ходимлар улар орасига кавказлик киефасида Олегни юбормоқчи бўлишди. Олег кейинчалик қуролга алмаштириш учун олтин сотиб олишга келган меҳмон родини ўйнаши керак эди.

Товламачилар "кавказлик" билан учрашув жойини тайинлашди. Олегнинг ўзи осетин, шу сабабли кавказлик бўлиши осон эди: қони қочган чўзинчоқ юзи, қоп-қора чакнаган кўзлари, икки ҳафта олинмаган соқоли ролига жуда мос келди. Фақат ташқи кўриниши тўғрисида ўйласа бўлган эди.

Белгиланган вақтда "кавказлик" меҳмон товламачилар билан учрашди. Бичиновга улар

аллақачондан бери таниш эди, тўсатдан таниб қолишса-я, деб ҳаётида эҳтимол биринчи маротаба кўрқди. Лекин бекорга хавфсираган экан. Яхшилаб грим қилган Олегни улар танишмади. Товламачилар айёрлик қила бошлашди, иш ўрнига гап-сўз сотиш билан машғул бўлишди. Олег уларнинг ниятини фаҳмлаб қолди ва дўқ урди:

— Қадрдон, мени алдайман деб овоза бўлма, — деди у кавказча талаффуз билан, — Тошкентнинг ярмида менинг одамларим

юрибди. — У куртанинг этагини кўтарди ва уларга АҚШ полицияси фойдаланадиган Смит-Вессон тўппончасининг қўлбола нусхасини кўрсатди. Ишончли бўлиши учун Макаров тўппончасидан фойдаланмасликка қарор қилинган эди. Сохта кавказликни таламоқчи бўлган товламачилар орқага тисарилишди. Айни шу паллада тезкор гуруҳ "харидор"ни ҳам, учала сотувчини ҳам ушлади.

Кейинчалик терговда маълум бўлишича, товламачилар қўлга тушишдан эмас, балки кавказликнинг ўч олишидан қаттиқ кўрқиб қолган экан. Бичинов дастлабки сўроққа чақирганида улар жуда ҳам ҳайратга тушиб қолганлар.

Бичинов суҳбат давомида яна кулимсиради:

— Бор-йўғи шу. Артистлар нуқтаи назаридан қараганда, мураккаб роль эмас. Умуман олганда гуруҳимиз гаровга олинганларни ҳам озод қилган, тўлов олиш мақсадида иш-билармонлар ушлаб олган бухоролик икки тадбиркор ака-ука воқеаси маълум. Ана шу мақсадда болалар ўғирланиши воқеалари-чи? Худога шукур, ҳозирча ҳаммаси яхшилиқ билан тугади.

— Гапларингга қараганда жиноят-қидирув ходимининг иши яхши детектив қиссани эслатади.

— Бу қиссани ўқишни ҳеч кимга маслаҳат бермаган бўлардим. Хавфли иш. Қўл кучи жанги бўйича республика чемпиони бўлган тезкор ходимимиз Алишер Қодировни эшитганмисиз? Унга яхши қуролланган жиноятчи қаршилиқ кўрсатган. У Алишерга тўрт марта пичоқ урган ва юраги атрофига ўқ узган. Лекин у оғир ярадор бўлишига қарамай, жиноятчини ушлашга муваффақ бўлган. Алишернинг унвони оширилди, у бир йилда жароҳатларини тўзатди, тезкор ходимларга қўл кучи жангидан сабоқ берди. Ҳозир у яна сафда.

Бичинов чуқур ух тортди ва паст овоз билан давом этди:

— Бир ўзи жиноятчилар билан курашадиган Шерлок Холмс ва Пинкертонларнинг даври ўтди, жиноятчилик шу қадар уюшганки, фақат бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак. Жиноятчиларни ушлаш жамоанинг иши, бизнинг йигитларимиз, мен пойтахт жиноят-қидирув хизматини назарда тутаялман, яхлит жамоа бўлиб ишламоқда.

Ю. ЛИСОВ.

СУРАТЛИ ХАБАР



РЕСПУБЛИКА ИИБ Жиноят-қидирув хизмати ходимларининг касбий байрамлари арафасида Бухоро вилояти-ички ишлар бошқармаси раҳбарияти жиноят-қидирув тизимида хизмат қилиб туриб, жон фидо қилган ходимларининг оилалари ҳолидан хабар олдилар. Марҳум ходимларининг қариндошлари, рафиқалари, фарзандларига чуқур ҳамдардлик билдириш билан бирга моддий моддий жиҳатдан ҳам ердан кўрсатдилар.

Суратда: вилоят ИИБ раҳбарияти Матрасул Собирович Собиров бошчилигида жиноят-қидирув хизматининг собиқ ходими Азим Ҳамроев хонадонидан ҳам бўлдилар.



ЖИНОЯТЧИНИ қидириб топиш ва уни қўлга олишдек муҳим ва осон бўлмаган вазифа уудаланди. Эндиги навбат жиноятчининг айбини аниқ факт ва далиллар билан исбот қилиб бериш. Бу борада Бухоро вилоят ИИБ ЖКБ бўлими бошлиғи, милиция майори Раби Караматовнинг ҳаётини тажрибаси катта.

Суратда: милиция майори Р. Караматов ҳибсга олинган йигитни сўроқ қилмоқда.

Суратларни Е. ЗУЕВ олган.

Бўладиган БОЛА БОШДАН МАЪЛУМ

Мусожабил Қодиров болалигидаёқ милиция соҳасида ишлашни кўнглига тукканди. Астойдил қилинган ниятнинг ижобати бўлади, деб бежизга айтмаганлар. М. Қодиров бу иборанинг исботини ўз ҳаёт фаолиятида кўрди.

Мусожабил ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, 1987 йилда милиция сержанти унвони билан ўз хизматини бошлади. Орадан уч йил ўтиб, Тошкент ўрта махсус милиция мактабига ўқишга кирди. Икки йилдан сўнг "милиция лейтенанти" унвони билан Тошкент шаҳар тармоқ ички ишлар бўлимида хизматни давом эттирди. Шундан бери орадан бир ярим йил ўтди.

Бу орада М. Қодиров "Қорадори", "Йўловчи-93" каби қатор тадбирларда фаол иштирок этди. Жиноятларни очишда кўрсатган фидойилиғи учун тармоқ ички ишлар бўлими томонидан пул мукофотлари билан бир неча бор тақдирланди.

Битта кичкинагина мисол. Шу йилнинг 26 сентябрь кун тахминан соат 17 ларда Тошкент — Новосибирск йўналишида қатновчи поезд кузатувчиси ўғирлик ҳақида хабар берди. Тезкор-қидирув натижасида 17 ёшли йигитча ушланди. Сўров давомида йигитчанинг вагондан кузатувчига тегишди жинси шимни, куртани, ёстиқчил ҳамда узукни ўғирлаганлиги аниқланди. Ўғирланган молларнинг умумий баҳоси 50 минг сўм экан.

Бу, албатта, юқорида айтганимиздек, М. Қодиров хизмат фаолиятидан кичкина бир мисол. Айни кунларда ҳамкасбимиз ўша — болалигида орзу қилган касбининг сир-синоатларига тобора тушуниб етиб, янада фаолроқ хизмат қилишга ҳаракат қилмоқда. Биз жонкуяр сафдошимизга бу йўлда омад тилаймиз.

Жаснузоқ ҚУРБОНАЛИЕВ,
милиция лейтенанти.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят-қидирув хизматининг тарихи олис 1922 йилдан бошланади. Июнда Амударё вилоят ижроқўми қарор қабул қилиб, унда "Шўраҳон уезд-шаҳар милицияси қошида жиноят қидирув бўлими ташкил этилсин ва унга вилоят бўлими ҳукуқи берилсин" деб таъкидланди.

Бўлимда бор-йўғи олти киши ишларди: бўлим бошлиғи, унинг ёрдамчиси, катта агент, икки милиционер ва бармоқ излари бўйича мутахассис.

Ички ишлар халқ комиссарлиги ўша йилнинг августда жиноят-қидирув хизматини қайтадан ташкил қила бошлади. Барча шаҳарлар, вилоятларда жиноят-қидирув бўлинмалари бунёд этилиб, улар милиция бошқармалари бўлинмаларига ва бўлинмалар бошлиқларига бўйсундирилди, натижада кўп ўтмай

ОЛИС — 20 ЙИЛЛАРДА...

жиноят-қидирув хизмати уезд-шаҳар милицияси ихтиёридан олинди ва бошқарма бўлимига бўйсундирилди.

1925 йил февралда Тўртқўлда деҳқон, батрак ва аскар депутатлар Советларининг I-таъсис сьезди бўлиб ўтди, унда Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоғистон мухтор вилояти тўзилганлиги қонун йўли билан мустақкамланди.

Милиция, жиноят-қидирув ва қамоқхоналарга бевосита раҳбарликни амалга ошириш мақсадида 1925 йил июнида вилоят Маъмурий бошқармаси ташкил этилди. Бу вақтда вилоятда салкам ярим миллион киши яшарди. Хар йили бу ерда 340-370 жиноят содир этилар, 35-40

жиноятчи ушланар эди.

Қорақалпоғистон мухтор вилояти ташкил этилгач, вилоят инқилобий қўмитасининг қарори билан жиноят-қидирув бўлими ташкил этилди, унинг ихтиёрида 24 ходим ва 12 от бор эди. Бўлим уч йўналишда иш олиб борарди. Махфий қисм фақат тезкор-қидирув иши билан шугулланар эди. Жиноий ишлар тергов қилиш учун фаол қисмга бериларди, унинг ходимлари жиноятчилар ва ўғирланган буюмларни қидириш, барча жиноий ишларни тергов қилиш ва оммавий тадбирлар (тинтувлар, қуршовлар) билан шугулланишарди. Рўйхатга олиш бюроси жиноятларни қайд этиб борар, зарур бўлганда суратга олар ва экспертизадан ўтказар эди.

РКП (б) Ташкилий бюросининг 1925 йил 24 январдаги мажлиси вилоятда

жиноятчиликнинг жонланганини, жиноят-қидирув фаолияти суст йўлга қўйилганини ҳисобга олиб, жиноят-қидирув хизматини вақтинча бевосита Бирлашган давлат сиёсий бошқармасига бўйсундириш тўғрисида қарор қабул қилди, кадрларни таллаш ҳам унга топширилди.

Кейинчалик ҳам жиноят-қидирув хизмати бир неча марта қайта ташкил қилинди. Қорақалпоғистон жиноят-қидирув хизмати ходимлари фуқаролар ҳуқуқларини қўриқлаб келдилар, аҳолини жиноий таҳдидлардан ҳимоя қилдилар ва ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Ўтган 1992 йилда жиноят-қидирув бўлими республика ИИБ бошқармасига айлантирилди. Унинг таркибида бир неча бўлим, бўлинма ва гуруҳлар бор. Жиноят-қидирув ходимларининг ҳозирги авлоди уларнинг ўтмишдошлари асос солган аънаваларни унутмайди ва эъзозлайди.

ДУШАНБА

4 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Республика морфолог олимларининг 1-анжумани олдидан. Давра суҳбати. 18.40 "Музыка оҳанглари". Телефильм. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Рақслар жилоси". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олима Ёкубова. 19.55 "Куз жилolari". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хукукий давлат сари". "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 "Санъат дўстлига чорлайди". Абдор Хидоятлов номидидаги драма театрининг Франция сафари ҳақида. 22.10 "Рух". Хужжатли фильм. Абдулла Қодирий хотирасига бағишланади. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Кувноқ шаҳарча". Телефильм. 19.30 "Лаҳза". Хабарлар. 19.50 "Ассалому алайкум" (такрор). 20.50 "Миршорлар". 21.30 "Билиб қўйган яхши". 21.50 "Лаҳза". Хабарлар. 22.10 "Хар кимнинг ихтиёри ўзида". Бадий фильм.

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 9.40 "Турмуш иқир-чиқирлари". Бадий телесериал премьераси. 19-серия. 10.10 "Садовое кольцодаги саройда". 10.40 Мультифильм. 10.50 "Ку-ка-ре-ку". Северодвинскда ҳажвчилар танлови. 11.15 "Мавзу". 12.00 Янгилар. 12.25 "Гол".

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Муслик башорат". 16.40 "Время-4". 17.20 "Иқболи қулганда". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Теледноталар". 18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.50 "Гол". 19.25 "Хатланган акс-садо". 19.50 "Театр мавзуси". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Турмуш иқир-чиқирлари". Бадий телесериал премьераси. 19-серия. 21.55 "Спорт уик-энди". 22.10 "Янги студия" таништирадиган: "Матбуот-клуби". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси. 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Россияда бизнес". 9.30 "Сиясат майдонида". 10.25 "Шаҳарча". Дам олиш кўрсатуви. 10.55 Хонаки экран. "Ишдаги иш". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.50 Кундузги сеанс. "Кирол Дроздовик". Бадий фильм. 15.05 "Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 15.35 "Кутқариш хизмати 911". 16.30 Янгилар. 16.45 "Бола тилидан". 17.15 "Трансроссфир".

18.00—19.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 Мульти-пульти. 19.45 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништирадиган. "Охирги мулозиматлар". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" сериалидан. 20.40 Театр сафари. "Бу бекарор Дзекун...". 21.25 Катта жанжал. "Кора квадрат".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "Ҳақиқат онлари". 23.25 Катталар учун мултифильм. 23.35 "Китоб оламидаги гаплар". 23.55 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 00.25 "Рек-тайм".

СЕШАНБА

5 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Жасур бўлиш осони?". Мултифильм. 8.00 Мутахассис

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

маслаҳати. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Огинский полонези". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Жугрофия. Республика тармоқлараро комплекслари. 11.00 "Фан ва деҳқончилик". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Туркистонда жадидлар ҳаракатининг вужудга келиши.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида". 18.40 "Ислохот одимлари". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.25 "Эл тинчлиги йўлида". Жиноят қидирув хизмати ташкил топганлигининг 75 йиллигига. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Меҳнат — ижтимоий муҳофаза мезони". Бевоқифа мулоқот. 21.50 "Театр ва томошабин". Муқимий номидидаги Ўзбек Давлат мусикали театрининг янги мавсумига бағишланади. 22.50 "Зебо, Зиеда ўйнай". Фильм-концерт. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништирадиган...". Мултифильмлар тўплами. 20.10 "Дам олиш соатларида". 20.30 "02" тўйқинида. 20.50 "Имконият".

"ОМАД" таништирадиган:

21.25 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Кувноқ нотачалар". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.35 "Инсон ва қонун". 11.05 "Стартинейджер". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс
12.20, "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 6-серия. 13.35 "Хавфли бурилиш". Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.45 К. Брюллов. "Помпейнинг сўнги кунин". Телефильм премьераси (Санкт-Петербург).

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 15.40 "Конверсия ва бозор". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Иш". 16.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мултифильм премьераси. 16.50 Эстрада концерти. 17.05 "Стартинейджер". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "МДХ — хусусийлаштириш муаммолари". 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Аср сари". 22.05 "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали режиссер Клод Шабролиннинг фильмлари ретроспективасини таништирадиган. "Доктор Пополь". Бадий фильм премьераси (Франция). 24.00 Янгилар. 00.40 "Рок-н-ролл ТВ". 01.25 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси. 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Ҳақиқат онлари".

12.00 Хонаки экран. "Кузги марафон". Бадий фильм. 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Киноқиссалар. "Валентина". Бадий фильм. 15.30 Мульти-пульти. 15.55 "Ўйинчоқлар-овуноқлар". 16.25 Янгилар. 16.40 "Рост" студияси. "Муслик синф". 17.10 "Санкт-Петербург балети".

18.00—19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 227-серия. 20.40 "Жаноблар-ўртоқлар". 20.55 Ватаним менинг. "Бўйсунмас купина". 21.45 "Муслик синф" таништирадиган.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Петербург ҳодисалари. "Идеалист аёл". 23.00 Михаил Гулько кўшиклари. 23.30 "Трансроссфир". 00.15 "Евгений Мравинский хотирасига". Концерт.

ЧОРШАНБА

6 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Кекса санъаткорлар". 7.50 "Кунлардан бир кун саҳрода". Мултифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Кувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Мария, Миранелла Транзисторияда". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Қаттиқ жисмлар ва суюқ кристалларнинг хоссалари. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 11.15 "Мусаввир Неъмат Кўзибоев". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Киме. Таркибида азот сакловчи бирикмалар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Болалар меҳмонхонаси". Пўлат Мўмин. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Иқтисод ва экология". Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланади. 19.50 Кичик концерт. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Хилол" студияси намойиш этади. "Тилсим" программаси. 22.05 "Сўз сеҳридан яралган кадр". Ўткир Сиддиқов. 22.45 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Фан ҳақида суҳбатлар". 19.55 "Спринт". 20.20 "Долзарб мавзу". Ижтимоий таъминот масалалари. бўйича. 21.20 "Концерт залларида".

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.30 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Ҳаққа". Болалар учун кўрсатув. 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Саудо кўприги". 11.00 "Кўнча театр". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 7-серия. 13.40 "Хавфли бурилиш". Уч серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.20 "Фавворалар пойтахти". Телефильм премьераси.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мултифильм премьераси. 16.40 "Музограф". 17.00 "Кизлар ўртасидаги сир". 17.20 "Клуб 700". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.55 "Оддий

Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Миниатюра". 20.00 "Кремль деворлари ортида". 1-қисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 Уайлдер "Март маросими". Е. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 24.00 Янгилар. 00.40 "Фестиваллар намойиши". Сан-Себастьяндаги кинофестиваль ҳақида. 01.25 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 01.40 "MTV". 02.40 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси. 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Рус ижозатномаси". 9.30 Тонгги концерт. 9.45 Христианлар учун кўрсатув. 10.20 Ватаним менинг. "Бўйсунмас купина". 11.10 Хонаки экран. "Кундузги сеансга иккита билет". Бадий фильм. 12.45 "Санкт-Петербург балети". 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 "Трансроссфир". 14.40 "Кечки салон" саҳифаларида. 16.10 "Телегазета". 16.15 Янгилар. 16.30 "Рост" студияси. "Яшил мактаб". 17.00 "Ўйинчоқлар-овуноқлар". 17.30 "Сўнган юлдузми?".

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 228-серия. 21.00 РТВнинг сара асарлари. "Рудольф Нуриев. Қандай бўлса шундайлигига". Хужжатли фильм. 21.45 "М-трест".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "L-клуб". 23.15 "Рус кўшиги". Татьяна Петрова. 00.15 Криминал хабарлар экрани. 00.25 "Экзотика".

ПАЙШАНБА

7 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Ёр ва диёр тароналари. 8.00 "Кувноқ болалар". 8.20 "Чиябўрилар". Хужжатли фильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Уддабурон Берендеев". Бадий фильм. 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. Дарвин таълимоти. 11.00 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгиракча".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ғалла — Ризқ-рўзимиз". 18.35 "Шеърят дафтаридан". Ўроз Хайдаров, Ҳаким Абдулла. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Анъаналар этади давом...". 19.55 "Янгиланиш". Телевизион киножурнал премьераси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Тўйга марҳабо!". "Шодлик" ашула ва рақс ансамблининг янги дастури. Халқлар дўстлиги саройидан езиб олинган. 22.10 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. 22.30 "Ўзгалар бахти". Бадий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 19.50 "Рябово". Телефильм. 20.00 "Пульс" хабарлар. 20.15 "СВ—экспресс" намойиш этади. 21.25 "Пульс". Хабарлар.

"ОМАД" таништирадиган: 21.40 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мултифильмлар. 9.45 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.35 "Джэм". 11.05 "...16 ешгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий

фильм премьераси. 8-серия. 13.40 "Хавфли бурилиш". Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 14.50 Мултифильм.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мултифильм премьераси. 16.40 "Беринг қадамжолари бўйлаб". Телефильм премьераси. (Владивосток). 17.10 "Джэм". 17.40 "...16 ешгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (18.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.50 "Мулкдор алифбоси". 19.00 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.10 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.00 "Кремль деворлари ортида". 2-қисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.30 "Мосфильм"нинг 70 йиллигига. "Егор Буличев ва бошқалар". Бадий фильм (1971 й.). 23.15 "Матбуот-экспресс". 23.25 "Бумеранг". 24.00 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси. 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Тонгги концерт. 9.15 "Кутқариш хизмати 911". 10.10 К-2 таништирадиган: Кинограф. 11.05 Хонаки экран. Санта-Барбара. Кўп серияли бадий телефильм. 227 ва 228-сериялар. 12.45 Анапа-93. 13.20 Дехқонларга тааллуқли масала. 13.40 Экзотика. 15.10 Пилигрим. Россия саёхатлар бюроси. 15.55 Янгилар. 16.10 "Рост" студияси. "Муслик синф". 16.40 "Трансроссфир". 17.25 "Терминал".

18.00—19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 229-серия. 20.45 "Келинг, аниқлаб олайлик". 21.00 "Санкт-Петербург балети". 21.30 "Услуб".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Осийишта уй". 1-қисм. 23.25 "Китобларга оид гаплар". 23.40 Криминал хабарлар экрани. 23.50 "Осийишта уй". 2-қисм.

ЖУМА

8 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Созимда севги васфи". 7.50 "Нодон сичқон ҳақида эртақ". Мултифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Ўлмас мерос". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 Соғлом бўлай десангиз...

9.00 "Хатоларни тузатиш". Бадий фильм. 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Табиатни нима учун ўрганимиз? 11.00 "Муз устида томоша". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёш-лик" студияси. "Сенинг замондошинг". 18.40 "Хирмонингизга барака!". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Расулов кўшиклари. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. 21.50 "Хур киз". Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Бал рақслари. 20.10 "Қайсар одам". Телефильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Қилич ва қалқон". Бадий фильм. 3-серия — "Шикоятга ўрин йўқ".

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мултифильмлар. 9.45 "Компас-эртақ".

10.45 Рус кўшиқлари гулдаси. 11.00 "Саёхатчилар клуби". (сурдо таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Театр шинавандлари. Сизлар учун! 12.20 М. Рошчин. Дуэлдан сўнг. Телевизион фильм-спектакль.

14.40 Мультифильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 В. Кикта. "Дил изхори". Балет. 17.00 "Компас-эртас". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Мультифильм. 18.40 "Инсон ва қонун". 19.15 "Вагон-03". 19.45 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Хафтанинг машхур киши". 21.40 "Детективлар клуби". "Марлов — хусусий изкувар". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

"ВИД" таништиради:
23.00 "Сиесий бюро". 23.35 "Музобоз". 00.55 "Авто-шоу". 01.25 "Х" программаси. 01.50 "Хит-конвейер". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар. 02.55 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Телевизион меҳнат биржаси. 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Параллеллар. "Юлдузлар билан бамаслаҳат". 9.20 "Осойишта уй". 10.15 "Агар сиз...". 10.45 "Сайерадош кўшнларимиз". 11.15 Катта жанжал. "Қора квадрат". 11.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 229-серия. 12.35 "Ўз манзили". 13.10 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.30 "Телегазета". 13.35 "Сенинг ҳам навбатинг келадил". Хужжатли фильм. 14.35 "Хайвонот оламида". 15.35 Жума кунлари Дисней. "Зудлик билан болалар талаб қилинади". Бадий фильм. 1-серия. 16.20 Мульти-пульти. 16.30 Янгилар. 16.45 "Трансроссфир". 17.15 Театр сафари. "Яна манифест чикди".

18.00 — 20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Биз севган комедиялар. "Капуцинлар хиебонидаги киши". Бадий фильм. 21.45 Катталар учун мультифильм.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "К-2" таништиради: "Халқ фраки". 23.25 "Ёздан хотира". Дам олиш мусиқий кўрсатуви. 00.30 Тунги сеанс. "Табор кўкка интилади". Бадий фильм.

ШАНБА

9 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Эстрада концерти. 7.50 "Фунтик ва мўйлабли кампир". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 Шифокор маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Хитой тили. 9.40 "Ёшлик" студияси. "Истеъодларни излаймиз". 10.20 "Жамоат ташкилотларида". 11.50 Француз тили. 12.20 Болалар учун театр. Фафур Гулом. "Шум бола". Каттакўргон шаҳар театрининг спектакли. 13.20 Дони Зокиров номидаги халқ чолгу оркестрининг концерти. 13.50 "Ёшлик" студияси. "Ойдин орзулар".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.20 Телефильм. 19.30 "Жиноят жазосиз қолмайди". Фаргона вилоятидан кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Катталар учун мультифильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Дам олиш концерти. 21.35 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. Ярим финал. 22.20 "Кулги шайдолари". 23.20 "Тунги егду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.20 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "Анор" телевизион танлови (29 сентябрь кундан такрор.). 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00

"Қилич ва қалқон". Бадий фильм. 4-серия. — "Сўнги марра".

"ОРБИТА IV"

6.45, 8.30, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 "Матбуот-экспресс". 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.35 "Қимор". 9.05 "Марафон-15" таништиради. 9.35 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 11.00 "Тиббиет ҳамма учун". 11.30 "Сергий бутхонаси". 1-серия. 11.55 "Детектив-ленд" фильм премьераси. 1-фильм ("Видеофильм" корпорацияси). 12.25 "Мулкдор алифбоси". 12.35 "Хукумат кишилари". 12.50 "Детектив-ленд". 13.25 "Қадрдон тупрок". Экологик кўрсатув. 13.55 Кикбоксинг. Осиё чемпионати. 15.00 Янгилар. 15.30 "Пеппи Узун пайпоқ". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 16.00 "Пул ва сиеват". Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида. 16.30 "Ультра-си". Спорт кўрсатуви. От спорти. 17.15 "Қизил квадрат". 17.55 "Хайвонот оламида". 18.40 "Оба-на". Шоу. 19.10 "Ох, гармон янграй бошлади". 19.40 М. Захаров. "Театр — менинг севгим". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.35 "Колабия пикчерс" таништиради. "Хитой синдроми". Бадий фильм (АҚШ). 23.30 "Матбуот-экспресс". 23.40 "Резонанс" студияси таништиради. 24.00 Янгилар.

"Сно-видение тунги канали". 00.40 Шоу-бизнес янгиларлари. 01.05 Спорт. 01.15 Ойнинг энг яхши ўнта мусиқаси. 02.00 "Стоп-кадр". 02.30 "МТВ" программаси. 03.00 "Автоэкспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 "Яхши хотиранинг баъзи бир сирлари". Хужжатли фильм. 8.55 "Формула-730". 9.25 "Сиз яратган бог". 9.55 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Бизнинг "Аралаш". 10.05 Видеошеърят. С. Таратута. 10.40 "Пилитрим". Россия саёхатлар бюроси.

"ЎЗБЕКИСТОН"

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.35 "Кўнгил кўприклари". 12.15 "Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида". 12.45 "Мозийдан егдулар". 13.30 Дўстлик тароналари. 14.05 "Дунё эшиги". 14.50 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 "Чегарасиз футбол". 15.55 "Тилла шпора". 16.25 "Изабель". Дам олиш викторинаси. 17.10 "Ўз ишининг усталари". "Байрамда тугилган". В. Розов.

18.00 — 19.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.40 "Маски-шоу". 20.10 "Уинстон Черчилль" — чўккига йўл. Кўп серияли бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.10 "Фильмлар премьераси". 21.25 "К-2" таништиради: "Америка юлдузлари".

ТУРКИЯ телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда".

22.25 "Мутлақо махфий". 23.20 Ксюша хузурида. 23.50 Тунги сеанс. Малласоч малика. Бадий фильм.

ЯКШАНБА

10 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ II

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 "Ўзбекистон — Ватаним маним". Телефильм. 8.50 "Маҳобхорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 35-36-сериялар. 10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.00 "Санъатимиз фидойилари". Зокир Султонов. 11.30 "Нурга тўлсин хонадон". 12.00 "Цирк, Цирк, Цирк!". 12.45 Турк тили. 13.15 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00

"Аркон" Мультифильм. 18.10 Ўсмирлар учун. "Умид учкунлари". 18.45 "Ойнаи жаҳонда". 19.00 "Хафтаномаси" (рус тилида). 19.30 "Еднома". Абдулла Қаҳҳор. 20.00 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 20.30 "Хафтаномаси". 21.10 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. Финал. 22.10 "Хотиржамлик бекор қилинади". Бадий фильм. 23.25 Эртанги

кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

17.00 "ОМАН" таништиради:
— Мультифейерверк.
— "Оманд-курьер."
— "Қалб садоси". Мусиқий кўрсатув.
— "— "Хар соҳадан бир шингил".
— Болалар учун. "Совга".
— "Юлдузлар жилоси".
— "Тилсим" программаси.
— "Даракчи".
— "Оманд" видеорекламаси.
— "Елдек учган умр". Бадий фильм. 1-серия.
— "Қалб садоси". Мусиқий кўрсатув.
— "Оманд-курьер."
— "Қалб садоси". Мусиқий кўрсатув.
— "Даракчи".
— "Оманд" видеорекламаси.
— "Тунги жазирама". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.40, 8.30, 19.00, 22.45, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Рухни чиниктириш". 7.55 Янгилар. 8.35 "Авто-шоу". 9.05 "Марказ". 9.35 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультифильм премьераси. 10.05 "Хамма уйдалиғида". 10.35 "Спортлото" тиражи. 10.50 "Тонг юлдузи". 11.40 "Полигон". 12.10 Кинохақиқатми? "Эртага уруш бўлсачи?". Бадий фильм (1938 й.).

14.25 "Резонанс" студияси "Вилотларда. Гоголь билан Россия бўйлаб" руқни премьерасини таништиради. 15.15 Янгилар. КВТ-I ҳамда Франс интернациональ канали таништиради:

15.30 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

16.30 "Саёхатчилар клуби". 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 "Хунарли хор бўлмайди". 18.05 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.05 Мультифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 20.00 Киношарҳ. 20.25 "Казимир". Бадий фильм премьераси (Франция). 21.55 Эълонлар 22.00 Янгилар. 22.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 23.05 Футбол, Россия чемпионати. "Динамо" (Москва) — "Океан" (Находка). 2-тайм. "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилди. 24.00 Янгилар. 00.20 А. Арбузов. "Эскирган комедия". В. Маяковский номи Москва академик театрининг фильм-спектакли.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 "Ангара каскади хусусида". Хужжатли фильм премьераси. 8.50 "Хайрли тонг!". "Чемпионлар учун нонушта". 9.20 "Калит" кўрсатуви. "Шоҳона мусобақа". 9.50 "Экспресс-почта" кафолат беради... 10.00 "Фольклор". Испаниядаги фестивалда.

10.30 — 14.10

"ЎЗБЕКИСТОН"
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
10.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 10.45 "Меросимизга бир назар". 11.20 "Чойхона — дилкаш суҳбатлар маскани". 12.00 "Чинсэн" (корейс тилида). 12.40 "Салом, Франция!". 2-кўрсатув. 13.20 "Светлица полска".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.10 "Намуна нусхаси". 14.20 Кундузги сеанс. "Йигитлар!" Бадий фильм. 15.55 "Лад-галерея. В. Лубенко. 16.25 "Оқ қарга". 17.25 "Шаҳарча". Дам олиш кўрсатуви. 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00 — 19.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 20.20 Си-Би-Эс кинотеатри. "Биринчи иштиек". Бадий фильм.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Владимир Познернинг Америкаси. 22.45 Тикланиш. 23.00 Тулун ой. 00.05 "А" программаси.

("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" газетасидан олинди).

УЛУҒ АЛЛОМА ХОТИРАСИГА

БУХОРОДА КАТТА ТАНТАНА

Шу йил 16-18 сентябрь кунлари ноёб тарихий обидалар маскани, буюк алломаларни дунёга танитган кўҳна Бухорода республикамиз Президенти, вилоятлар ҳокимлари, пойтахтлик зиёлилар дин вакиллари, ва хорижлик меҳмонлар, иштирокида ислом динини ўзининг ўлмас таълимоти билан бойитган, сўфизм оқимининг асосчиси ҳазрати ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди.

1318 йили Бухоро вилоятининг Қасри Ҳиндувон қишлоғида таваллуд топган Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ўзидан ўлмас бой таълимот қолдирди. Нақшбандия тариқати жаҳоннинг энг муҳим ижтимоий масаласи — меҳнатга ва унинг натижасида эришилаётган бойликка муносабатга алоҳида эътибор бериб, инсоннинг маънавий камолоти, учун, одамлар ўртасида дўстлик ва меҳрибонлик, самимият ва садоқат, тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурматнинг барқарор бўлиши учун тинмай ҳаракат қилди.

Ана шундай буюк аллома таваллудини нишонлаш учун салмоқли ишлар амалга оширилди. Тантаналар чоғида меҳмонлар Бухоро шаҳрининг меъморий ёдгорликлари билан танишдилар. Кечқурун вилоят марказидаги "Спартак" ўйингоҳида Ҳазрат таваллудига бағишлаб миллий кураш бўйича халқаро турнир ўтказилди. Асосий воқеалар 17 сентябрда бўлиб ўтди. Тантана иштирокчилари дастлаб Қасри Орифон қишлоғига бориб, Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини ҳамда ул кишининг волидан муҳтарамалари қабрини зиёрат қилдилар. Бу ердаги жомеъ масжидида аллома ҳақида давра гурунги бўлиб ўтди ва қуръон қироати танловининг ғолиблари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, меҳмонлар Баҳоуддин меъморий ансамблида ҳожанинг ҳаёти ва таълимотига бағишланган музей, халқ амалий санъати кўргазмаси, бошқа юбилей объектларига ташриф буюрдилар. Кечқурун Ибн Сино номидаги маданият саройида юбилейга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. 18 сентябрда вилоят ҳокимлиги катта йиғингоҳида Ҳазрат таваллудининг 675 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференциянинг ялпи мажлиси ўтказилди. Сўнгра меҳмонлар Гиждувонда бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари, Абдулҳалиқ Гиждувоний мақбарасини зиёрат қилдилар.

Ана шундай катта тадбирни қамраб олган тантанани ўтказиш ички ишлар идоралари ходимларидан ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишни, ҳар бир топшириқни вақтида бехато бажаришни талаб этди.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари юбилей кунларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ва жамият мулкисининг дахлсизлигини, тантаналарга иштирок этиш учун келган меҳмонларнинг осойишталигини таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солдилар. Натижада бобокалонимиз юбилейи осойишталик билан ўтди.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги ўтказилиши муносабати билан Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш борасида кўрган тайёргарлиги ва амалга оширган ишлари тўғрисида бошқарма бошлиғи, полковник М. Собиров қуйидагиларни айтди:

— Аввало, шу нарсани таъкидлашим лозимки, ҳалигача Бухорода ўтказилган бирон-бир тадбирда бунчалик кўп меҳмон ташриф буюрмаган эди. Биз бу тадбирга катта масъулият билан қарадик. Юбилей арафасида аниқ режа асосида тайёргарлик ишларини олиб бордик. Ҳар бир ходимга хизмат топшириғи берилди, меҳмонхоналарга, юбилей тантаналари ўтказиладиган жойларга жамоат тартибини сақлаш учун тажрибали ходимлар бirkитиб чиқилди.

Олиб борган ишларимиз зое кетмади. Тантаналар ўтказилган кунларда шахсий таркибимиз ўз ишига катта масъулият билан ёндашди ва ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик. Шу кунлари жамоат тартибини бузиш, йўл-транспорт бахтсиз ҳодисалари содир этилишига йўл қўйилмади. Меҳмонлар ўзларини эркин ҳис этдилар. Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбирда Бухоро милицияси ўз вазифасини сидқидилдан бажарди. Албатта, бу ишларни бехато бажаришимизда Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятининг, вазир ўринбосари, милиция генерал-майори Р. Абдуллаев бошчилигида келган ходимларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Имкониятдан фойдаланиб, юбилей тантаналарининг осойишта ўтишида амалий ёрдам кўрсатган республика ИИВ раҳбарияти, вилоятлар ИИВ ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тўйида иштирок этган меҳмонлар амалга оширилган ишларни кўриб, республикамиз Президентига, юбилейга катта тайёргарлик кўрган вилоят ҳокимияти раҳбарлигига, шунингдек, кўҳна Бухорода юксак интизом билан жамоат тартибини сақлаган ички ишлар ходимларига ўзларининг миннатдорчиликларини билдирадилар.

Шухрат Қўлдошев,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, милиция майори.

УМР МАЗМУНИ

(очерк ўрнида)

"Умр деганлари ўтмоқда тошқин, тилла барглари тўшаб йўлимга" — деб ёзганди шоирлардан бири. Умр ҳақида гап-сўз кетганда юрагимизни гоҳо англаб бўлмас алланечук маҳзунлик, гоҳо алланечук мамнунлик қоплаб олади. Худди хавотирланган киши, теварагига тез-тез аланглаб қўйгандек, биз ҳам ўтган ҳаёт йўлимизга ҳадиксираб-ҳадиксираб кўз ташлаймиз. Ҳўш, изимизда нелар қолаётир, тилла барглари е қовжирок ҳазонлар? Яна олға юриб кета оламизми ё минг бир афсусда ер чизиб қоламизми? Инсон зоти борки, у ўз камолини, ўз заволини худди ана шундайин қайсар сўровларга жавобдан излайди. Жавоб топаркан кимдир оғир хўрсинади, кимдир эса...

... Бахтиёр ака енгил тин олди. Дилига алланечук хуш кайфият сизиб кира бошлади. Ишхонасининг ҳайхотдай деразаси ортидан паришон мўралаб, кузнинг салқин эпкинидан чайқалаётган боққа югуриб чиққиси, болаларча беғубор шўхлик билан ҳар бир дарахтни кучиб ўз қувончларини баҳам кўргиси келарди. Ахир, қувонмай бўладими, мана, милиция мундирини кийганига ҳам қарийб йигирма йилдан ошибди, оддий ходимликдан туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимига кўтарилди. Ҳамма-ҳаммасига ўзининг ҳалол меҳнати билан, тиришқоқлиги иқтидори билан эришди. Ахир, қувонмай бўладими, унга бутун бошли Ғузор халқининг ишончи, ҳурмати баланд бугун.

Ногоҳ жиринглаган телефон Бахтиёр Аҳмедовнинг ширин хаёллари билди:

— Алло, эшитаман, — деди у дарҳол жиддийлашиб ва трубкадаги овозга андак диққат қилиб турган, яна шодон хитоб этди. — Э, Ҳайит ака, ўзингизми?

Бир пайтлар милициянинг кўрки саналган, эндиликда қариллиқ гаштини суриб юрган Ҳайит ака олс қиш кунларининг бирида Бахтиёрга дўстона маслаҳат солганди:

— Сен бола, ҳайдовчиликни йиғиштир, ўзингга муносиб касб танла.

Тўғриси, аввалги Бахтиёр шошиб қолди. Қизиқ, қайси соҳада ишлаш унга муносиб? Ҳайит ака Йўлдошев еш йигит юзидаги саросимани пайқаб қолди, шекилли дарров мақсадга кўчди:

— Милицияга киргин. Ҳозирча болалар инспекциясида ишлайсан. Бўлажак мутахассислигинг ҳам шунга тўғри келади.

Ҳайит ака Бахтиёрнинг Ҳамид Олимжон номдаги Қарши Давлат педагогика институтини тарих факультетидан сиртдан ўқишини назарда тутаетганди.

Ҳаммаси шу сўхбатдан бошланди! Бахтиёр ўзининг меҳнаткашлиғи, қолаверса, милиция ишига қобилияти сабаб хизматдан хизматга, лавозимдан лавозимга кўтарилди борди.

Милиция подполковниги Аҳмедов илк устози Ҳайит ака Йўлдошев билан узоқ сўзлашиб туролмади. Чунки Чақар қишлоғида дилли чақар бир муддиш қотиллик рўй берганлиги ҳақида етиб келган хабар зудлик билан сафарга чорлаганди. Очик гап, бу шум хабар Бахтиёр акани ҳам анча довдиратиб қўйди. Йўқса, неча-неча қотиллигу эўравонликлар ҳақида эшитавериб, ўз кўзи билан кўравериб, суяғи қотган инсон-а! Бундай

ўзгариш сабаби битта эди, олинган илк тафсилотларга кўра қишлоқда норасида гўдак ёвузларча ўлдирилганди.

Милиция подполковниги тезкор гуруҳ билан хизмат машинаси томон шошаркан кўзларида филт-филт еш айланарди. Эҳ, бу милиция ҳаёти, шодликларинг бирпасда қайғуга, аксинча, қайғуларинг қувончга айланди...

Худди шу кўнгилсиз воқеа юзасидан яқинда Ғузор туманига ташриф буюрдик. Бизни туман ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги Бахтиёр Аҳмедовнинг ўзи қарши олди. Юз-кўздан, юриш-туришидан самимийлиги, камтарини камсўқумлиги сезилиб турган бу дилкаш инсонга ўша юракларга тигдай ботадиған қотиллик ҳақида сўзлаб бериш оғир бўлди. Шунинг учун ҳам муддиш қотиллик батафсил ёритилган мақолани қўлимизга тутқазди. (Ушбу мақола "Нега уни ер ютмайди?" сарлавҳаси остида газетамизда чоп этилмоқда).

Биз мавзунинг андек буриб савол бердик:

— Умуман, туманда жиноятчиликка қарши кураш қандай борапти?

— Ёмон эмас, кўп қатори, — деди Б. Аҳмедов. — Сўнгги етти ой ичида бешта уюшган гуруҳ қўлга олинди. Жиноий ишлари фож этилди.

Бахтиёр Аҳмедов Ғузор тумани ИИБга бошлиқ этиб тайинлангандан бери ўткир бир муаммонинг пайига тушиб юрибди. У ҳам бўлса ички ишлар бўлими учун ҳар томонлама қулайликка эга бўлган янги бино қуриш. Бу масалада талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, янги бино учун жой лойиҳасининг хомаки режаси тузилибди. Ғузор тумани ҳокимияти, Қашқадарё вилояти ИИБ бу масалада жуда яқиндан ёрдам беришмоқда экан.

Бундан ташқари, Бахтиёр Аҳмедовнинг ташаббуси билан хизмат вақтида ҳалок бўлган туман милиция ходимларининг хотирасига мармар лавҳа ўрнатилди.

Бу тадбирлар бир қараганда енгил юмушларга ўхшаб кетади, бироқ инсон хотирасини тиклаш мақсадида қилинган хизматдан ҳам улўроқ хизмат борми? Марҳумлар хотирасини ёд этмай, инсонни севмай-ҳурматламай инсон ҳуқуқлари учун қандай курашиб бўлади?

— Бахтиёр ака, бўш вақтларингизда нималар билан шугулланасиз, — дея сўрадим қизиқиб.

Милиция подполковниги мийиғида қўлди-да, деди:

— Вақт топсам, бадний китоб ўқийман. Энг севимли шоирларимдан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиеваларнинг асарлари доимо менга ҳамроҳ.

Бахтиёр ака халқ осойишталиги йўлида бахшида этаётган ҳаётдан мамнун. Мустақил Ўзбекистонимиз учун эса аини дамда шундай фидойи одамлар гоёт зарур.

Мен Ғузор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Бахтиёр Аҳмедов билан илиқ хайрлашдим.

Луқмон БҮРИЕВ,
журналист.

НЕГА УНИ ЕР ЮТМАЙДИ?

Олти ешли Бибиробия ҳали ҳаёт сир-асрорларидан тўлиқ хабардор бўлмаса-да, азоб-уқубатларини бошдан кечириб улгурганди. Ёшгина қалби ўғай она нима эканлигини яхши ҳис этар, ундан раҳм-шафқат тилаш булутсиз осмондан ёмғир кутиш каби бесамар эканлигини биларди. Кун бўйи овқатланмаса ҳам ўғай онасига оч қолганлиги ҳақида зорланмас, ака, опасининг мактабдан қайтишини кутар, улар мактабдан олиб келадиган печенье, коржикларни яшириб тановул қиларди.

Ўша куни Бибиробиянинг отаси Холмўмин Хўжакулов Душанбе шаҳридаги қариндошлариникига кетди. Отаси уйда бўлганида қизалоқ у-бу нарса олиб ейиши, қорнини тўклаши мумкин эди. Ўғай она эса унга қотган нонни ҳам раво қўрмайди. Кеч соат йигирмаларда акаси Дилшоднинг сумкасида прятник топиб олди-да, ўғай онам кўриб қолмасин деб яшириб ея бошлади.

— Бибиробия! — ўғай онасининг чинқироқ товуши прятникни очиқиб еяётган қизчани бир зум хушдан кетгазиб, зумда хушига келтирди.

— Мен шу ердан, — қўрқув аралаш еб турган прятникни трусиси ичига солиб, ўғай она қаршисига чопди қизча. Лекин туси ичидаги прятникни билдириб қўймасликнинг иложини топа олмади.

Она газаб отига минди:

— Нега прятникни яшириб еяпсан?

Қўрқувдан Бибиробиянинг тили қотди. Саволига жавоб ололмаган ўғай она деворда осиглиқ қамчини олиб чикди-да, норасида гўдакни раҳмсизлик билан дуч келган жойига ура бошлади. Қамчи азобида дош беролмаган Бибиробия хушдан кетди. Жаҳлдан кўзи қонга тўлган ўғай онага гўдакнинг хушдан кетгани ҳам камлик қилди. У қизчани даст кўтариб тургазди ва қўлига илинган темир билан бошига туширди. Бу ҳам унинг ҳоврини боса олмади. Сулайиб етган қизгинани янги қурилаётган уйнинг ертўласига отиб юборди.

Ўғай она Бибиробияни азоблаётганини кўриб турган ўн уч ешли Нилуфар, ўн бир ешли Нигора ҳам, тўққиз ешли Дилшод ҳам синглисига ёрдам бериша олмади. Ёрдам бериш учун келганларида уларнинг ўзлари ҳам Бибиробиянинг ҳолига тушишларини яхши билишарди. Чунки сингилларининг баданида из қолдирган қамчи уларнинг таннини ҳам бир неча бор моматалоқ қилган. Бу ҳақда оталарига айтишдан чўчишарди. Чунки ўғай она отангга чурқ этсанг ҳаммангнинг ўлдираман, дея огоҳлантириб қўйганди.

Ўғай она уйга кириб кетгач, Нигора ертўлага чопиб бориб Бибиробияни

чиқариб олди. Уйдан чиқиб қолган ўғай она Бибиробияни кўриб яна жазавасти тутди.

— Сен ҳали ўлмадингми, жонинг қаттиқ экан, барибир сени ўлдираман! — Бибиробияни яна калтаклашни бошлади у.

Норасида гўдакнинг илтимоси раҳмини келтирмас, аксинча газабини алангалатарди. Кўзига қон қуйилган ўғай она Бибиробияни газ плитаси томон судради. Газхонада турган пичоқни олди-да, тиги чўғ бўлгунча оловда қиздириб, гўдакнинг танасини кўндалангига ва узунасига тила бошлади. Азобларга дош беролмаган Бибиробия газ плитаси ёнига йиқилди. Инсонлик қиёфасини йўқотган ўғай она Бибиробияни тургазиб, ҳовлини айланиб чопишга мажбур этди. Аммо ҳолдан тойган қизчанинг чопишга қурби етмади. Деворни ушлаб югура бошлаганида яна ўғай онанинг газабли ҳайқириги янгради:

— Деворни ушламай югур!!!

Очлик ва аёвсиз азоблар ўз ишини қилиб бўлганди. Бибиробия юролмай қолди. Ўғай она ўз кирдикорларини беркитиш мақсадида Бибиробиянинг яра бўлган жойларига дори суртди. Бибиробия ўғай онасининг "меҳрибончилигини" сезмади ҳам, у хушдан кетган эди. Сув тутишганида бир тамшаниб қўйди, холос.

Ўғай она қизнинг хушдан кетганлигини билгач, қўшнисини чақириб, унинг машинасида касалхонада олиб жўнади. Қизча реанимация бўлимига олиб келинганида, унда ҳаётдан асар йўқ эди. Шунга қарамаддан уни ҳаётга қайтариш учун барча чоралар ишга солинди. Лекин яшашдан безган қизча ҳаётга қайтишдан кўра абадий уйқуни афзал билди.

Одатда эртакларда тилга олинадиган бундай ўғай она ким дейсизми? Исми-шарифи Гулнора Очилова, 1989 йилда Ғузор туманидаги Чақар қишлоғида яшовчи Холмўмин Хўжакуловга иккинчи хотин бўлиб теккан ва кундоши Фароғат Ҳайитова билан бир ҳовлида умумий рўзгор тутиб яшаган. 1991 йилда оилавий жанжаллар сабабли Ф. Ҳайитова Хоразм вилоятида яшовчи ота-онасиникига кетиб қолган. Болаларни отаси Г. Очилова билан ўзим тарбиялайман, деб мажбуран олиб қолган.

Гулноранинг тарбия усулидан эса огоҳ бўлдингиз.

Қотил она 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

А. ОСТОНОВ,
Ғузор тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори.
Х. ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Президентимиз Фармонларини изчиллик билан амалга ошириб келаятган Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимига аини кунларда чайқовчиларга ва давлат мулкни талон-торож қилувчиларга қарши курашни янада кучайтирди.

Фарғона шаҳар "Умид" ҳиссасдорлар акционерлик уюшмасига қарашли 69-сонли озиқ-овқат дўкони мудири Ҳабибулло Дадабоев шу уюшманинг 2-ароқ-вино омбори мудири Ғуломов Ҳасанбойдан 150 яшиқ, жами 1.400.000 сўмлик "Русская водка" ароғини олади ва 100 яшигини дўкон сотувчиси Абдували Пирматов орқали "Облрембиттехника" идораси пайвандлаш сўхонаси бошлиғи Карим Бердиевниқига олиб келиб туширади. Сотувчи қолган 50 яшиқ ароқнинг 30 тасини Инъом Йўлдошевга, 20 тасини "Мархабо" ресторани буфетчиси Ҳадиятилла Мирзаевга ҳар шишасини 800 сўмдан пуллайди.

Абдували 50 яшиқ ароқдан 146000 сўм фойда қилиб, Ҳабибуллога бермоқчи эди. 100

яшиқ ароқдан жами 292.000 сўм соф фойда кўриларди. Аммо чучварани хом санаган "иш-билармон"лар жиноят устида қўлга олиниб, яшаш жойлари тинтув қилинди. Шу факт юзасидан Ҳ. Дадабоев, А. Пирматов ва К. Бердиевлар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳозирда мазкур уюшмага қарашли 2-омбор ва 69-дўкон, "Дўстлик" қаҳвахонаси, "Мархабо" ресторанида тафтиш ишлари олиб борилмоқда. Текшириш вақтида 69-дўкон сотувчиси Жамила Йўлдошеванинг 1.300.000 сўмлик камомадга йўл қўйганлиги ҳам аниқланди.

Охунбобоев тумани ИИБ ИЖК бўлимига тушган хабарда тумандаги "Пахтакор" жамоа

ЁНАР ЎТГА ТУШГАНЛАР

хўжалигида яшовчи фуқаронинг Фарғона вилоят тиббий меҳнат экспертиза ҳайъатидан ўтиб, ногиронлиқка чиқа олмаётгани, врачлардан бири пора сўраганлиги айтилганди. Ушбу хабар юзасидан текширув ишлари олиб борилди.

Хабар берган К. Сулаймонов Чернобиль АЭСи фожиаси оқибатларини тугатиш ишларига жалб этилиб, маълум даражада нурланиш олгани ва шу муносабат билан ногиронлиқка чиқиб, нафақа олиш ҳуқуқи борлиги, лекин Фарғона вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси тиббий меҳнат эксперти ҳайъати мутахассиси, врач З. Собиров ундан 25.000 сўм пора талаб қилганлиги аниқланди.

1993 йил 30 июнь куни Охунбобоев тумани ИИБ ИЖК гуруҳи катта оператив вакили, ми-

лиция капитани А. Жўраев, вилоят ИИБ ИЖК бўлими бошлиғи, милиция майори О. Обидов, шу бўлими оператив вакили, милиция капитани А. Юсупов, вилоят ИИБ ЭКГ катта назоратчиси, милиция капитани Р. Ашуралиев, Фарғона шаҳар прокуратураси терговчиси А. Ҳафизовлар ВТЭК мутахассиси, врач З. Собировни аризаги К. Сулаймоновдан 25.000 сўм пора олаётганида қўлга туширдилар.

1993 йил 22 июль куни Риштон тумани ИИБ ИЖК гуруҳига тушган тезкор маълумотга кўра, шу туманнинг Тўда қишлоғида яшовчи Муҳаммадjon Робилов камёб дори-дармонларни ўз уйида чайқов нархида сотаётган экан. Ушбу хабар юзасидан Риштон

тумани ИИБ ИЖК ходимлари томонидан текширув ўтказилди. М. Робилов харидор Муҳаммад Сиддиқовга ҳозирги кунда ўта камёб бўлган "Гемодез" дори-дори 2 та флаконини 2500 сўмдан сотаётганида ушланди. Чайқовчининг уйи тинтув қилинганида сотиш учун мўлжаллаб қўйилган кўплаб дори-дармонлар топилди.

Булардан ташқари, Робиловнинг уйида сотишга тайёрлаб қўйилган 119 жуфт калиш борлиги ҳам аниқланди.

Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир, деганлари шу бўлса керак.

А. АГАНИЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ходими, милиция майори.

(Давоми. Боши 63-76 сонларда).

— Қийин аҳволга тушиб қолсанг, кўнғироқ кел... Агар Шпалани тўсатдан учратиб қолсанг, у ўзига ёмон қилганини айтиб қўй. Жуда ёмон қилган...

Кечкурун Одил почта қутисидан хат олди. Москвадан юборилибди. Таня Сибирга йўлланма беришганини ёзибди, олдинга телевидениеда ишлаб туради, кейинроқ, чамаси бутунлай ўша ерда қолади. Эҳтимол, йўл-йўлакай Тошкентда тўхтаб ўтар. Бир ёки икки кунга. Фақат Одил эски йўлга қайтмас...

... Акс ҳолда бизнинг гаплашадиган гапимиз ҳам йўқ, буни яхши биласан. Ҳис-туйғуларнинг ҳақида ёзишга шошилма. Романтика, баландпарвоз сўзлар биз учун эрта. Ҳозирча сенинг олдинда фақат битта мақсад бўлиши керак, буни ўзинг яхши биласан. Муҳаббат ҳам, бахт ҳам бўлади. Ҳалол яшасанг ҳаммасига эришасан. Мен эса фақат битта нарсани биламан: шошилма. Ҳеч қандай ваъда берма, мендан ҳам талаб этма, — деб ўқиди Одил. У ўз уйи олдида, узум сўриси тагидаги супада ўтирарди. Хатдан қувониш ўринсиз.

бурнингни суқийнинг биланоқ дарҳол сезиб қолишди, бунинг устига пул ҳам керак. Қария хасилик қилмоқда. Кеча ишга олиб чиқди. Агар Клич бугун келмаган бўлса, демак, у ўз ишини пухта билади. Қария кўрсатган ишдан фойда бормиди ўзи? Балки, ўша сотувчи уйда бор-йўғи беш юз-олти юз сўм сақлар, Пахан эса уни катта пул деб юргандир. Уларга эса бундан кўпроғи керак. Кассани ўмарисса соз бўларди. Сенька бундай ишларга уста.

— Мен, отахон, ярмаркани бир кезиб чиқаман, — ўрнидан турди Сенька.

— Борақол, борақол, — бошини қимирлатди қария. — Ҳозирча ўзининг шамоллатиб кел.

Майор Егоров учрашувдан ярим соат ўтмасданок Одилни вақтинча унутди. Сабаби, эрталабданок, битта жуда қийин масалани ҳал қилишга тўғри келиб қолди.

Унинг иш кунини, одатда, иш маромига ўзига хос тарзда киришдан бошланади. Дарвоқе, уни ана шу одати учун бўлимнинг ёш ходимлари истеҳзо аралаш Метеор деб аташарди. Ўз кабинетига киришган, майор дарҳол ишга киришмасди, балки иш кунининг

қўйишгандан ранжиган. Инсон сифатида Егоров уни тушунарди, лекин у ўз ҳолича ўрнидан туриб, бу ўринга ўтиришни капитан Азизовга тақлиф қила олмайди-ку. Ҳозир Егоров агар капитан яхши одам бўлса, ранжиб бўлгач бирга кўлли-қўлга бериб ишлаши, агар майдакаш бўлса, асаббазарлик ва гийбатлар бўлим ишини орқага суриб юбориши ҳақида ўйларди.

Лекин телефон кўнғироғини нима қилиш мумкин? Албатта, ҳар бир кўнғироқдан сўнг шаҳар бўйлаб югурилса, бир лаҳзада бутун Бошқарма учун кулгу бўлиш ҳеч гап эмас, шунинг учун кўнғироқ ҳақида капитанга хабар қилди ва ундан сўради:

— Бу хусусда нима дейсиз?

— Одатда биз билан бу тариқа ҳазиллашшни ўйламайдилар, — деб дудмал жавоб берди капитан янги бошлиққа қарамасликка тиришиб.

— Ҳар ҳолда-чи?

— Алдашлар бўлиб туради, фақат баъзилар бунинг учун партия бюросида тушунтириш бердилар. Тўғри, бошқача ҳоллар ҳам юз берган...

Капитан ўзининг бутун кўриниши билан бошлиқнинг ана шу сўхбати уни бошқа, бундан муҳимроқ ишлардан чалғитмоқда деб кўрсатмоқчи бўлаётган эди, лекин ўзининг охириги фикрини айтиб, ташвишланиб қолди. Нима дейишса дейишсин, хизмат хизматлигича қолади, капитан эса ўз хизмат бурчини яхши билади.

— Тўхтангчи, Сергей Александрович. Агар бегона киши кўнғироқ қилган бўлса-чи?.. Бегоналар бизнинг телефонларимизни билишмайди.

Майор ҳам капитан ана шу сирни очишга жон-жаҳди билан киришганини сезд. Кўринадик, капитан аввало хизмат вазифаси хусусида ўйларкан...

Егоров унга ўзи чекадиган "Прима"дан узатди. Бирга ишлаш бошланди.

— Мен Смирновни қақришишгизни маслаҳат берардим, — майорнинг рад этишдан хавфсизгандек капитан эҳтиёткорона тақлиф қилди. Майор, албатта, Галочка дорилфунунинг ҳуқуқшунослик куллийетини тугатаётганини биларди, шунинг учун эътироз билдирмади.

— Галя жиноятларни очишда икки маротаба иштирок этган, — капитан Азизов майорга миннатдорчилик билан қаради. — Унда жиноятларни очиш борасида алоҳида сезгирлик бор, Сергей Александрович, сиз унга ишонаверинг.

Егоровнинг ахборотини тингларкан, Галочка кўзларини шипга тикди.

— Ҳазилми? Аҳмоқона, ақлга тўғри келмайди. Чинданми? Келинг, мантиқдан келиб чиқиб ўйлайлик.

Яна бир характер, деб ўйлади майор Егоров. Ранжувчи, лекин тезда унутиб, ишга жон-жаҳди билан киришиб кетувчи Азизов, "мантиқдан келиб чиқиб ўйлашни" ёқтирадиган Галочка. Ҳўш, нима қилибди? Маълум вақт ўтгандан сўнг қойилмақом бўлим юзга келади.

Узоқ давом этмаган сўхбат охирида хомак режа тузиб чиқишиб, уни ҳозирча раҳбарларга айтмаслик хусусида келишиб олишди. Тушлик пайтида майор Егоров Тошавтомаш мавзесига борди. Жуда оз вақт у ерда бўлди. Алоҳида ажралиб турган ҳеч нарсани сезмади. Яқиндагина одамлар кўчиб кирган янги мавзе. Уларнинг олидида деярли ҳеч ким кўринмайди, ҳамма ишда. Егоров машинанинг олдида туриб кечди. Уйлар бир-бирига ўхшайди, бошқа туманлардан фарқи йўқ. Лекин ҳали одамлар ўрнашиб улгурмаган, на бута, на дарахт бор. Ҳозирча бирорта телефон ҳам йўқ, деб ўзича таъкидлади Егоров. Бунда таваккал қилишга тўғри келади. Ана шу кўнғироққа ишониб тунда бу ерга келиш керак ёки келмаслик керак, бутун гап ана шунда. Айтмоқчи, уларнинг иши тезкор эмас, жиноятнинг олдини олиш, буни эса жуда кенг маънода тушуниш мумкин. У сигаретани пошнаси билан эзди, шофернинг ёнига ўтирди:

— Бошқармага.

У ерда эса кутилмаган хабар кутмоқда эди. Галочка коммутордаги дугоналарининг ёнига борган, уёқ-буёқдан сўхбатлашиб ўтирган, бу ерда эрталаб қандайдир киши жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланадиган

бошлиқлар қаердалигини қатъий оҳангда сўрайверганлигини эшитган. Қизлар уни тезкор бўлим билан боғламасдан, жиноятларнинг олдини олиш бўлими билан улашган. Қисқаси, ёмон ўйланмаган. Галочка жуда омилкор бўлиб чиқди.

— Тўрт марта кўнғироқ қилди. Олдинга иш кунини қачон бошланишини сўради, сўнгга бўлимни излади. Ёш эмас, нафаси қисилади. Бунинг устига кўрқоқ ҳам, ўзини таништиришни хоҳламади. Қизлар олдинга номерни айтмоқчи бўлмадилар, лекин роса илтимос қилди. Жуда зарур, муҳим дейди. Лекин, — Галочка шу ерда маъноли танаффус қилди, — лекин сиз билан сўхбатлашгандан сўнг яна кўнғироқ қилган, ким билан гаплашганини сўраган. Қизлар у билан гаплашганини йиғштириб қўйганлар.

— Бу киши асабийлашмоқда, — хурсанд бўлди Азизов. — Шошилмоқда.

— Қаерга ва нима учун шошилади? Уни талашмоқчи бўлишганини билгандир? — деди Егоров ёрдамчиларига кўз ташларкан. Капитан, чамаси, спортчи кўринади. Галочкадан кўп фикр чиқади, ўз фикрини шунчалик самарадорлик билан баён қилмоқда.

— Ҳўш, агар уни талашмоқчи эканини билиб қолган бўлса, ўз фамилиясини яшириши учун асос йўқ, — ўз фикрида туриб олди Галочка.

Майор Егоров бошлиққа кўнғироқ қилди. Борини хабар қилиш керак. Ўз ҳолича бирор нарсани қилиш қалтис.

— Полковник бу иш билан шуғулланишни бўлимимизга топширди. Ҳар ҳолда, бу нарсани жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади, — деди у ходимларга, кечкурун соат ўнда учрашиш ҳақида келишиб олишди. Бўлим бир маромда ишлаб бошлади.

7.

Одил ҳовлида ўтирар, телеграммани, эҳтимол унинг марта қайтадан ўқир эди. Таня Свердловска учаётганини, Тошкентда фақат бир кун бўлишини хабар қилган эди. Уни кутиб олиш, бир кун учун жой топиб бериш керак. Бу орада Пахан билан Шпала унинг олдида Раҳимни жўнатишди. Тундаги иш борасида қақришмоқда. Одил Раҳимга синчковлик билан разм солди. Тиришқоқ, жонсарақ йигитча, чамаси, Паханнинг нафақат бундай топшириқларини иштиёқ билан бажарса керак. Чол боланинг олдида узоқ вақт хашак солиб юради, пул бериб туради, то бўзига пичоқ қадалмагунча — ишлайсан...

— Раҳим, сендан бир илтимос бор. Уч сўмни ол. Аэропортга чол. 423-рейс Москвадан қачон келишини бил. Эсингдан чиқмаслиги учун ёзиб бераман. Кеч келса, уни ҳам биллиб кел, — Одил йигитчани узоқроққа жўнатишни хоҳларди. Ҳеч бўлмаганда, ҳозир у икки ёки уч соат банд бўлади. Кейин уни узоқроққа юбориш керак бўлади. Лекин унга ҳали вақт бор. — Паханга айт — бораялман. Аэропорт ҳақида ҳеч нарсани дема.

Раҳим чопиб кетди. Одил пул топишга бўлган чеки йўқ очқўзлик йигитчани хароб қилиши ҳақида маюслик билан ўйларкан, шошилмасдан кийинди.

Ана шу ҳафталар ичида Одил онасининг кўзларида мунгли саволни кўп маротаба кўрди. Кекса, сочлари оппоқ оқарган онаси фақат тикиларди, ҳеч нарсани демади. Одил эса унга энди ўзгаргани, ҳеч қачон уйдан ўз хоҳишисиз узоқ муддатга кетмаслигини айтишга юраги ҳеч дов бермади. Ёмон нарсалар ҳақида ҳечқачон онасини оғohlантирмаган эди, энди эса яхши нарсалар ҳақида ҳам гапира олмаяпти.

У қайтиб келгандан сўнг онаси билан ёзилиб гаплаша олмади. У ҳозиргача нима дейишга сўз топа олмас, онаси эса сукут сақлар, баъзида ухлаб ётган пайтида тепасида ух тортарди.

Августинга ҳаддан ташқари жазирама кунларидан бири. Одил соя жойларини кўзлаган ҳолда кўчалардан, шошилмасдан ўтиб борарди.

Паханнинг уйда пивони ичиши.

— Кўраясанми, — Пахан Сенька томон бошини қимирлатди, — юзталиқ сўраб олди, энди эса ҳеч ишдан тинмайди. Ишинг қалай бораяпти?

— Қандай ишни айтаяпсан? Ниманидир яширапсан, чол. Сен менга қаерга боришим ва қанча олишим кераклигини аниқ қилиб айт. Чув туширмоқчимсан? — мастлик

билан Сенька гулдирди. Одил бу ерда кўп маротаба жанжал бўлганини фаҳмлади. Стол ёнига ўтирди, пиводан стаканга қуйди.

— Нимани тақсимлай олмадинглар?

— Манави эски қалиш ёғирлайди — бор-бор. Сен борасанми, Клич?

— Мен сенга айтдим-ку, Сенька. Лекин бугун бормаيمان. Эртага.

— Ҳўш, чуғурчуқлар, — қўлини столга қатъият билан қўйди Пахан. — Ё сизлар менга қулоқ солинглар, ёки бўлмаса ҳозирок туёқларнингизни шикиллатинглар. Сизларни ушлаша қолсин, пашшадай хароб бўлинглар. Мени бу нарсани ташвишга солмайди. Пахан ҳали бақувват, тушунарлими?

Одил ва Сенька дарахт илдизидек қора, дағал, ҳақиқатан ҳам бақувват бўлган қўлга қарадилар. Лекин Пахандан кўрқиб қолган ҳолат қолмади. Унинг безорилари аста-секин бўйинтуруқни улоқтирмоқда.

— Ҳўш, — аниқ каби гулдирди Сенька итоат қилди, — кетаялман.

— Шундай экан, омборхонага жўна, ярим кечагача ухлаб ол, — буйруқ берди Пахан.

Сенька кўздан йўқолиши биланоқ қисилган кўзларини Одилга тикди.

— Сен нега валақлаб қолдинг? Бугун бормайсанми? Борасан, кўзичоғим. Сенинг жиповинг менинг қўлимда! Эркинликда узоқ вақт қолиб кетмайсан. Сен ҳам тайёрланиб тур.

Одил қатъият билан узил-кесил ўз сўзини айтидиган пайт етиб келди.

— Сен нега шовқин солиб қолдинг, чол? — Одил ўтирган ўрнидан турди.

— Нимага менга қараб оғзингни катта очасан? Мен сендан яшириниб юрганим йўқ, сенинг нонингни емаялман. Озодликда ҳам қонуний асосда юрибман, қочиб юрганим йўқ. Бор, ГУМдан сўраб кел. Мени бўғимдан тута олмайсан. Айтдимку — бугун бормаيمان, вассалом.

У кекса бандит олдида қаддини гоз қилиб турар, унинг кўзларига тикилган ҳолда кўтариладиган қўлни ҳар лаҳзада ушлаб қолишга тайёр эди.

— Кўппак! Ишни расво қилмоқчимсан? Бир чеккага чиқиб туришни ўйладингми? Эсингда турсин, Пахан бунинг кечирмайди! — итоатдан бўйин товлаган Кличга ташланишга журъат қилмаган чол хириллаб гапирарди.

— Кекирдагингни кўп чўзаверма, чол. Энди сен бўйин эгасан, тушун-дингми? Ҳозирча нафасингни ўчир! — Одил чолга қатъият билан дағдаланди.

Пахандан кўзини узмаган ҳолда Одил пастак эски уйдан оёқ учиди чиқди, кейин ҳовлидан кесиб ўтди-да бир сакраб кўчага чиқиб олди. Тамом. Чолга дилидагини айт олди, энди очикдан-очик уруш бошланади. Пахан эски ҳўкмонлигини қўймади. У канчалик қарн бўлмасин, Одил эҳтиёткор бўлиши керак. Орқадан пичоқ санчилиши, кўчада тепадан бошга тасодифан ёғиш тушиб кетиши баҳсга яқун ясаши мумкин. Жин урсин, ҳозир энг муҳими — Раҳимни кутиш.

У асабий зўриқни билан кунини зўрға кеч қилди, узоқдан Раҳим кўриниши билан енгил нафас олди.

— Самолёт ўз вақтида келади, Клич, — Одилнинг ёнига келиб ўтирди йигитча. — Маълумотлар хонасидан билдим. Маҳаллий вақт билан соат ўн бирда.

— Мен билан борасан, — буюрди Одил.

— Ишганим? — Раҳимнинг кўзлари ениб кетди.

— Сен ўйлаган нарсанга эмас. Утир, гапларимни эшит, — Одил Раҳимнинг елкаларидан тортиди. — Сен тингла...

Уруш туфайли отадан етим қолган боланинг тарихи эди бу. Домний оч юришлар ва онанинг касалмандлиги Одилни ўзи сингари уруш жабрдийдалари даврасига бошлаб келди. Уларни овқатлантирган, наша ва ароққа ўргатган "меҳрибон" кишилар ҳам топилади. Нима қилиш керак эди? Кучли ва шафқатсиз Паханнинг кўз-қулоғи бўлган бу кишилар бутун Тошкент бўйлаб изгирдилар. Одам ўлдирдилар, талончиликлар, сейфларни очишлар юз бериб турарди. Кейин суд бўлиб, тегишли жазо олишарди. Пахандан бўйин эгмаганларнинг мурдаларини канализация қудуқларидан топишарди. Кўплар йўқ бўлиб кетди, Пахан эса ҳали бор, тирик, у Раҳимга ўхшаганларнинг жиповини қўлга олишни ўйлайди.

(Охири бор).



Хафа бўлишга ҳам сабаб йўқдек. Ҳозирча Тошкентда дорилмоом бўлиб яшаш мумкин эмас, бу — равшан. Иложи топишган жойда ишлаш керак, ярим йил эмас, балки бир неча йил муқим ишлашга тўғри келади. Ана ўшандагина уйга қайтса бўлади. Албатта, яқин-атрофдан иш топса бўлади, Чирчик ва Гулистон Тошкентнинг биқинида, транспорт ҳам етарли... Лекин у кўпроқ Қарши чўли ҳақида ўйлай бошлади. Газетада ўқиди. Тўғри, у ерда яшаш оғир. Унинг ўзи ҳам Қарши чўлининг нималигини, қандай ишлаш кераклигини яхши билади. Лекин у ерда жуда кўп ёшлар меҳнат қилишмоқда-ку. Охири-оқибатда, шаҳарга ёпишиб олганидан нима фойда? Ҳозирча у Тошкентда ўзини бегонадек ҳис этмоқда. Бунинг устига — Пахан ва Сенька Шпала... Улар билан орани очик қилиш керак.

Сенька қариядан юзталиқни ундирди. Қария узоқ вақт бос товларди — пул бобиди жуда хасис эди. Лекин Сенька ҳам ушлаганини қўймайдиганлардан. Унинг ҳам омади келганда қарзини ошириб тўлайдиган одати бор. Ҳозирча кечкурунлари Сенька қариядан қарзга олган пул ҳисобига қилишарди. Сенька, тўғри, кийимини ўзгартирди, лекин ёзда янги кийим унча қиммат турмайди.

— Клич нега келмади? Бугун ҳам кўринмайди, — Пахан аччиқ-чуқуни вилка билан аралаштирди. — Одилмиз дош бера олмади, бардоши етмайди, қандай олғир ўғри эди-я, худо ҳақки. Ҳеч нарсадан қўрқмасди. Истироҳатдан қайтдию, бутунлай ўзгарди-қўйди.

— Ҳечқиси йўқ, отахон, уни тушуна олмайсан, — нимагадир ранжиди Сенька. — Чинакам ўғри эса омадга ишонади. Агар қандайдир қўқилиб тушган бўлса, пайт пойлайди. Бўлмаса яна, омади чопмайди. У тўғри қилади, қонунини билади. Агар сен ундан қўрқадиган бўлсанг, нега ёнингдан жилдирмайсан? Ундан воз кеч.

Сенька ичди, бодрининг карсиллатиб тишлади, даразадан тикилди. Ишлари ҳеч олдинга чопмади: бир ойдан бери эркинликдаю, ана шу ғамхонада ўтириб увос тортишга тўғри келмоқда. Тошкентдан узоқроқда бўлиб, Сибирга жўнаворса қандай яхши бўларди. Лекин

маромига аста-секин мослашарди. Шуғулланиш керак бўлган папкаларни шошилмасдан стол устидан оларди. Ёзув қуроллари жуда яхши бўлишига алоҳида аҳамият берарди. Шунинг учун турли авторчукаларни йиғиб қўйган, уларни стаканчага солиб қўйган эди. Бир неча қаламнинг учини яхшилаб очиб, уларнинг ёнига қўйиб қўярди. Стол календариди навбатдаги варақни очиб қўйиши билан ишни бошлашга киришарди.

У қўл остидаги ходимларининг сермаъно жилмайишларини сезарди, лекин ранжимасди. Улар кучларини кун давомида бир текисда тақсимлаш учун нима қилишни билишмайди-да. Ҳечқиси йўқ, ўрганиб олишарди.

У календарь варағини очиб қўйиши билан, телефон жиринглади, бамисоли телефон симининг нариги томонидагилар унинг иш кунини бошланганидан хабардор бўлганларидек.

— Майор Егоров эшитади, — одатдагидек ўзини таништиради у.

— Аҳа, майорми? Бугун ярим тунда бир кулбани ўмарисади. Тутишни унутиб қўймаган бўлсаларингиз, бандитларни ушланг, — кимдир шошилмай сўзларди. — Тошавтомаш мавзесида. Манзиллини ёзиб олинг.

— Агар сир бўлмаса, ким гапираяпти? — календарь варағига манзилли ёзиб оларкан, майор эҳтиёткорлик билан сўради.

— Бу энди сенинг ишинг эмас, майор. Сенга айтилган ишнинг қил.

Жаҳли чиққан киши трубкани қўйиб қўйди. Майор яна нимадир кутганидек, қисқа гудок товушларини эшитиб турди. Ҳар томонлама ғалати бўлган бу кўнғироққа ҳеч ҳам ишонғиси келмас эди.

Бўлим котибаси Галочка Смирнова кирди.

— Бугунги хатлар, Сергей Александрович.

— Капитан Азизовни қақиринг, — илтимос қилди Егоров хатларни олгани ҳақида имзо чекаркан.

Капитан Азизов кирди ва ҳеч нарсанга қарамасдан секингина стулга ўтирди, Егоров унга ўйчанлик билан тикилди. Ҳал қилиши керак бўлган яна бир муаммо. Капитан Азизов, чамаси, бўлим бошлиғи бўлишни орзу қилган кўринади, бўш ўринга бошқа одамни

СЕМИНАР-МАШГУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан республика Олий Кенгаши бир қатор қонунларни қайта кўриб чиқди ва ўзгаришлар киритди.

Бу жараён бевоқифа ИИБ соҳасида ҳам амалга оширилмоқда. Ўтган вақт мобайнида бир қатор буйруқлар қайта кўриб чиқилди, ўзгаришлар киритилди ва такомиллаштирилди. Бу норматив ҳужжатлар ички ишлар соҳасининг барча тизимлари фаолиятини ҳозирги вақт талаби асосида бошқариш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш имкониятини берди. Булар орасида шахсий таркиб билан

ишлаш хизматига тегишли ҳужжатлар кўпчилигини ташкил қилган учун уларни чуқурроқ ўрганиш ва жойлардаги идораларга батафсилроқ етказиш мақсадида 24,25 сентябрь кунлари ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати жойлардаги қўриқлаш бўлинималарининг шахсий таркиб билан ҳамкорликда ишлаш бўлими, бўлинималари билан семинар-машгулот ўтказди.

Кейгайтирилган семинар-машгулотларга йиғилганлар. ИИБ томонидан қонуний базани яратиб беришда олиб борилаётган ишлар билан

таништирилди. Шунингдек, семинар-машгулотда шахсий таркиб ўртасидаги иртизо ва қонунчиликнинг ҳозирги аҳволи ва уни яхшилаш тўғрисидаги, шахсий таркиб билан ишлашда янги буйруқларни тўғри қабул қилиш масалалари, 1993 йилда ўтказилган текшириш натижалари кўриб чиқилди.

Семинарда ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Б. Носиров иштирок этди ва қатнашчиларга янги қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар бўйича тушунчалар берди.

Машгулотларни «Қўриқлаш» бирлашмаси раҳбарлари ва бирлашма шахсий таркиб билан ишлаш бўлимининг ходимлари олиб боришди.

Семинар ишига «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Э. Каримов бошчилиқ қилди.


Машгулотлар баҳс-мунозарага бой тарзда ўтди. Йиғилганлар ўзлари амалга ошираётган ишлар хусусида сўзлашди, тажриба алмашишди, бундай машгулотларнинг амалиётда фойдаси катта бўлишини таъкидлашди.

Бўлиб ўтган семинар ўз мақсадида кўра шахсий таркиб билан ишлашни такомиллаштиришга, барча қўриқлаш бўлинималарида вазирилик буйруқлари талабларини бир хилда тўғри ва сифатли бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳабиб ШУКУР.

Суратларда: семинар-машгулотлардан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.

БОШҚОТИРМА



Энгиз:

7. Никарагуа пул бирлиги. 8. 1984 йилдан МХР Буюк халқ хурали Президиуми раиси. 9. Экваториал Африка ўрмонларида яшайдиган одамсимон маймун. 10. Ҳеч бир давлат фуқаролигида турмаган шахс. 11. Коми мухтор республикасидаги шаҳар. 13. «Тун оғушида» романида ирқчиликни қоралаган ЖАР ёзувчиси. 14. АҚШнинг шимоли-шарқидаги шаҳар. Нью-Йорк штатида. 15. Милоддан аввалги 465-424 йилларда Аҳмонийлар давлатининг подшоҳи. 17. Волгоград областининг Медведица дарёси бўйидаги шаҳар. 24. Непал пойтахти. 25. Атлантика океанининг шимолий қисмидаги орол. 26. Ҳинд фалсафасидаги олти ортодоксал системасидан бири. 27. Владимир вилоятидаги шаҳар. 30. Жанговар қурол тури.

Бўйига:

1. Шри-Ланканинг пойтахти. 2. Ҳарбий-Денгиз Флотидagi унвон. 3. Дашти Қипчоқда кўчманча қабилаларни бирлаштириб улкан давлат барпо этган, Жўжи уруғидан бўлган хон. 4. Чирмовуқдошларга мансуб паразит ўсимликлар туркуми. 5. Минерал, кварцнинг шаффоф бинафша тури. 6. Одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар қон зардобидagi иммуноглобулинлар. 11. Туркиядаги шаҳар. 12. Кишилар турмуши ва фаолиятининг моддий излари — обидалар асосида жамият тарихини ўрганадиган фан. 15. Ўрта асрларда араб халифалигида — Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Жануби-Ғарбий Европада яшаган ноараб халқларнинг умумий номи. 16. Югославиянинг шимолидаги дарёнинг ўнг irmoғи. 18. Биринчи реактори 1984 йили ишга туширилган Литвадаги АЭС. 19. Жанубий Африканинг марказий қисмидаги табиий вилоят. 20. 1944 йилда ярадор бўлиб, вафот этган ҳарбий саркарда, армия генерали. 21. Узунлиги 1415 км. бўлган Ўрта Осиёдаги дарё. 22. АҚШнинг шимолидаги штат. 23. Баландлиги 3415 метргача бўлган Сахрои Кабирдаги тоғлик.

Тузувчи Йўлдош НАСРИДДИНОВ,
милиция подполковниги.

Миннатдорчилик Соғ бўлишсин !

Уйимизни тўлдириб Фарғона вилояти ИИБ ходимлари келишди. Улар мени давлатимиз озодлиги байрами билан қутладилар, турли совға-саломлар бердилар. Кейин эса ички ишлар идораларида ўттиз йил хизмат қилиб, оддий милиционерликдан майор даражасигача кўтарилган марҳум турмуш ўртоғим Абдуқодир Пўлатов хотирасини ёдга олдилар.

Суюнганимдан кўзларимга ёш келди. Илоҳим, бизни йўқлаганлар соғ бўлишсин.

Тожиҳон ПЎЛАТОВА,
Риштон шаҳри.

Раҳмат сизга, биродар !

Шу йил август ойи эди. Мен Қарши шаҳридаги бозорда айланиб юриб паспортимни йўқотиб қўйдим. Унинг орасида эллик минг сўм пул бор эди. Беҳудага роса қидирдим. Охири, тополмай, хафа бўлганимча уйга қайтиб кетдим.

Дардимни ҳеч кимга айтолмасдим. Шу аллозда дилгир ўтирарканман, дарвоза тақиллади. Чиқиб қарасам, бир милиционер турибди. Уйга таклиф қилдим. Лекин у:

— Очилов Ҳуснидин шу уйда яшайдими? — деб сўради.

Мен тасдиқладим. Шунда у қўлимга паспортимни тутқазди. Паспорт ичида эллик минг пулим ҳам бор эди. Милиционер уни бозордан топганини айтди. «Ҳой тўхтанг!» дейишга қарамай кетиб қолди.

Фақат милиционер ўзини «кичик лейтенант Бахтиёр Жумаев» деб таништиргани эсимда.

Ҳ. ОЧИЛОВ,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Темир Ҳўжа номли жамоа хўжалиги.

Мурувватли инсонлар эътиборига

Ўз хизмат вазифасини бажараётганида Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмасининг ходими, милиция катта сержанти Қутибой Тўғизбоев фожияли ҳалок бўлди. Унинг жасадидадан бир талай ўқ излари топилди. Жиноятчилар ушланди. Ички ишлар идора ходимининг қўл болали оиласи етим қолди.

«Алпомиш» кичик қорхонасининг директори Эргаш Ҳожиматов томонидан Ўзбекистон Жамғармалар банки бўлими филиалида ҳалок бўлган сержантнинг оиласига ёрдам бериш фонди счёти очилди. Боқувчисини йўқотган оиланинг тақдири хусусида жон куйдирувчи ҳар бир кишидан ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Жамғармалар банки бўлимининг 36500139-филиалида Тўғизбоева Мавлуда Саидуллаевна номига очилган 08000384-сонли счётга пул ўтказишларини илтимос қиламиз.

Миродил АҲМЕРОВ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Миродил Аҳмеровнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

У 1928 йили Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманининг Хондайлик қишлоғида деҳқон оиласида тугилди. 16 ёшидан бошлаб ўз туманидаги «Энбек» мактабида ўқитувчилик қила бошлади. 1945 йилдан бошлаб М. Аҳмеров ички ишлар идораларида хизмат қилди. 1951 йилда лейтенант зобитлик унвонини олди.

М. Аҳмеров учала даражали «Бенуқсон хизмати учун», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан мукофотланган, бир неча маротаба Фахрий



ёрлиқлар, ташаккурномалар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган эди.

Ажойиб ўртоғимиз ва ҳамкасбимиз хотираси қалбларимиздан умрбод жой олади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар, 3-ўрта мактаб томонидан Раъно Абдуқаюмовна Сатторова номига берилган 009419 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

Тошкент Қурилиш техникуми томонидан 1988 йилда Фарҳод Тешаевич Икромов номига берилган КТ 867561 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 606, 32.939 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.